RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

## БОЛАЛАР ҚУВОНСА ОЛАМ ЯШАРАР

3



## Эл ишончи қанот бўлажак

6



## «ФУТБОЛ ТУФАЙЛИ ДУНЁНИ ТАНИДИМ»

16



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 3 июнь, шанба • 22 (3656)-сон

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ




*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан шу йилнинг 1 июнидан 1 июлига қадар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.*

(Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига оид материал билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишишингиз мумкин).

## POSTDA·TV

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

**Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидано қ Юртбошимиз ҳар жиҳатдан етук, баркамол янги авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратган эдилар.**



# ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛДИ

Тошкент шаҳридаги Хлебушкина номли 21-сонли меҳрибонлик уйида ҳозирги кунда юздан зиёд турли миллат фарзандлари ота-она меҳридан маҳрум бўлса-да, Ватан меҳридан баҳраманд бўлиб улғайишмоқда. Биз билан суҳбатда муассаса директори Матлуба Охунова шундай деди:

– Бугунги кунда масканимизда тарбияланаётганларни қайси миллат боласи бўлишидан қатъи назар ўз фарзандимиздек кўрамиз. Улардан меҳрини аямай оқ ювиб, оқ тараб вояга етказаётган тарбиячилар Хурсаной Холова, Ҳафиза Рапиқова, Юлдуз Холмуҳаммедоваларга ҳар қанча раҳматлар айтсак арзийди.

Республика ИИВ Қоровул қўшинлари ҳомийлигида ушбу меҳрибонлик уйида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Тадбирда ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, полковник М. Фозилов, Тиббиёт хизмати бошлиғи, подполковник А. Мусаевлар иштирок этдилар. Улар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини байрам билан табрикладилар.

Шундан сўнг болажонлар байрам дастурхонига таклиф қилиндилар. «Турон юлдузлари» ансамбли санъаткорлари ижросида янграган куй-қўшиқлар барча тадбир иштирокчилари кўнглини тоғдек кўтарди.

**Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,**
*сержант.*



Суратларда: *тадбирдан лавҳалар.*

**Муаллиф олган суратлар.**

# Осойишталик посбонлари кенгаши

***Танти халқимизнинг доно сўзлари ю пурмаъно, ҳикматли ўгитлари бор. Агар бепоён юртимизнинг турли бурчагида яшайдиган ҳамюртимиз қаерда бўлмасин тўқнаш келиб қолса, авваламбор, бир-бирига тинчлик хотиржамлик тилайди. Бу халқимизнинг қонқонига сингиб кетган одатларидан бири.***

Куни кеча Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасида мазкур соҳа раҳбарлари, ППХ бригадаси, батальони ҳамда отряди командирлари иштирокида икки кунлик семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Жамоат жойларида содир этилаётган қонунбузарликлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг шу кунига қадар уларнинг аксар турларида камайишга эришилган, юз берганларининг кўпчилиги «иссиғида» очилган. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор. Авваламбор патруль-пост хизмати шахсий таркиби сифат жиҳатдан янгиланди. Бу соҳага кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш тубданислоҳ қилинди.

Бўлиб ўтган семинар-кенгашда мазкур соҳадаги мавжуд муаммолар, уларни тезкорлик билан ечиш йўл-йўриқлари аниқ кўрсатиб ўтилди. Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, полковник Улуғберди Нарзуллаев ўз маърузасида бу борада батафсил тўхталди.

Тадбирнинг айнан Бухорода ўтказилиши аслида бежиз эмас эди. Чунки вилоятда патруль-пост хизмати намунали ташкил этилган бўлиб, ибрат олса арзийдиган томонлари кўп. Айниқса, ППХ батальонининг фаолияти талаб даражасида, шахсий таркибнинг жанговар шайлиги, тезкорлиги ва хизмат кўрсаткичлари ҳам намунали деб топилган. Ушбу семинар-кенгаш қатнашчилари батальон биноси, шахсий таркиб учун яратилган шарт-шароитлар, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги билан яқиндан таништирилди.

Жамоат жойлари ва кўчаларда тартибни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида мавжуд куч ва воситалардан фойдаланишни ташкил этиш юзасидан ҳам аниқ бир тўхтамга келинди. Хизматни ташкил этиш ва ягона бошқарувни ташкиллаштириш юзасидан намунавий чизма-тархлари ҳамда қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Кенгашда Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Талъат Сатторов ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳақида маъруза қилди. Тадбирнинг иккинчи куни эса унинг ташаббуси билан вилоят ИИБ соврини учун мусобақа ўтказилди. Унга кўра хизмат раҳбарлари қуролдан ўқ отиш, бригада ва батальон командирлари тош кўтариш, жанговар хизмат отрядлар сардорлари эса армрестлинг бўйича беллашдилар.

Қуролдан ўқ отиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, майор Аҳмед Тожибоев, тош кўтаришда Фарғона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ батальони командири, подполковник Тоҳиржон Турғунов ва куч синашиш бўйича Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ жанговар ҳаракатдаги отряд командири, майор Равшан Бердиқуловлар биринчиликни эгалладилар. Уларга Бухоро вилояти ИИБнинг диплом ва қимматбаҳо совринлари топширилди.

**Исмоил МИНОВАРОВ,**
*ИИВ Матбуот маркази ходими, майор.*



# НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

## АЗАГА АЙЛАНГАН ТЎЙ

Ангор туманилик Қулсоат ака йиғиб-терганларини маҳалла, қавму-қариндошлари билан баҳам кўриш ниятида тўй бошлади. Тантилиги тутиб, дастурхонга ичкилик савилни кўпроқ қўйиганми, маҳалладоши Эсон маст бўлиб қолди. Бирга ўтирган Нурали билан ўрталарида гап қочди. Ўзини идора қила олмаган Эсон Нуралининг кўксига пичоқ урди. Кейин кўтарилган қий-чув, тўс-тўполондан фойдаланиб жуфтакни ростлаган эди, узоққа бора олмади. Жабрланувчининг ҳаётини асраб қолишга шифокорлар улгуришмади...

## ЁН ҚЎШНИ – ЖОН ҚЎШНИ... МИ?

Нодира билан Муҳайё кўп қаватли уйда кўпдан буён қўшни. Ўша куни Муҳайё шошилиб уйига келган меҳмонни кузатгани чиқди. Сўнг ҳаялламай ортига қайтди. Стол устини йиғиштираркан, кўзи очиқ қолган қутичага тушди. Юраги ҳапқириб унга яқинлашди. Не кўз билан кўрсинки, ичига солинган беш хил турдаги заргарлик буюмлари жойида йўқ эди... Ички ишлар ходимлари жабрланувчини гумондор билан юзлаштиришганда Муҳайёнинг кўзи Нодирага тушиб, ҳайратдан тили айланмай қолди.

## ИСТИРОҲАТ БОҒИДАГИ «УЧРАШУВ»

Ўн саккиз-йигирма ёшлилар деганда, кўз олдимизга айни кучга тўлган, ҳаётда аниқ ўз мақсад, интилишларига эга, дунёқараши, одамийлиги шаклланган баркамол йигитлар келади. Бироқ беш қўл баравар бўлмаганидек, гоҳо белини оғритмай нон ейишни ор билмайдиганлар ҳам учрайди. Отабек ва Азим 18, Рустам эса 20 ёшда. Ўз хатти-ҳаракатларини идора қила оладиган бу йигитлар биргалашиб Ғ. Ғулом номидаги истироҳат боғида Тошкент туманилик Равшан, Бўстонлиқ туманида яшовчи Ёрбол ва Зангиота туманидан келган Раҳматиллаларга лезвияда тан жароҳати етказиб, бор пуллари, қўл соати, узук ва кийим-кечакларини ечиб ола бошлади. Улар жабрдийдаларни нечоғли хилват жойга тортишмасин ички ишлар ходимларининг зийрак нигоҳидан четда қолишмади. Қочишга уринган талончилар тезда қўлга олинди.

## ТУРМУШНИНГ ОҒИР «МУШТИ»

Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши, дейдилар. Аммо олди-қочди, зўравонлик, урйиқитлар акс эттирилган кинофильмларнинг таъсиримикан, сўнгги вақтларда оилавий низолар фожиали тус олмокда. Хоразм вилояти, Янгиариқ туманилик Умар эндигина 33 ёшни қаршилаган. Аммо ҳануз асабларини жиловлаб, ақлини йиғиштириб ололмаган. Йўқса, бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалолининг рўзғорни бутлаш тўғрисидаги «дийдиё»сига дош беролмай қорнига тиғ санчмаган бўларди. Қилғиликни қилиб қўйиб воқеа жойидан қочмасди.

## ТАДБИРДА АНИҚЛАНДИ

Маълумки, айни пайтда юртимизда гиёҳвандликка қарши кенг қамровли «Қорадори – 2006» тадбири ўтказилмоқда. Тадбир давомида оғуфурушлик билан боғлиқ кўплаб жиноятлар фош этилмоқда. Пойтахтнинг Яккасарой тумани ҳудудида жойлашган «Гранд Мир» меҳмонхонаси олдида шахсини аниқлаш мақсадида текширилган ангренлик Ш. Шерзоднинг ёнидан олти юз граммга яқин марихуана топилди. Худди шу куни Самарқанд вилояти Ургут туманида ўтказилган тезкор тадбир ҳам «сермаҳсул» бўлди. 1961 йилда туғилган Ш. Расул ўз уйида 100 гр. марихуанани 100.000га сотаётганда ушланди. Хонадони кўздан кечирилганда сотиш учун сақлаб қўйилган 2кг. 500 гр. шу турдаги оғу олинди.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**

*Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,*
*Билиб қўйки, сени Ватан кутади.*

**Аёл бешикни, бола эса дунёни тебратади, дейишади. Ҳа, болаликнинг беғубор шўхлигию ўйинқароқ онлари ўзгача дунё. Бугунги ёш авлод эртанги миллат келажагининг ворислари ҳисобланади. Уларни ҳимоя қилиш, етук шахс қилиб вояга етказиш ҳар бир халқнинг эзгу мақсадларидан биридир.**

# БОЛАЛАР ҚУВОНСА ОЛАМ ЯШАРАР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ҳамда от спорти майдонининг очилиши муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Сатторов тадбирни кириш сўзи билан очди. «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуаси бошлиғи, полковник А. Исаходжаев тадбир қатнашчиларини Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан табриклади. ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари, истеъфодаги полковник М. Иванов ҳамда Тошкент шаҳар 23-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси Нодира Илҳомовалар ҳам бугунги тадбир болакайлар учун унутилмас кун бўлиб қолишини таъкидлаб ўтдилар.

Шундан сўнг тантананинг мусиқий қисми бошланди. Республикада хизмат кўрсатган артист И. Ғуломов раҳбарлигидаги «Турон юлдузлари» дастаси, Р. Ҳамроқулов раҳбарлигидаги «Алладин» эстрада гуруҳи ижросидаги қўшиқлар, балетмейстер А. Ким раҳбарлигидаги «Рақс» дастури ҳамда «Жар» ССЖ қошидаги «Шодлик» дасталари аъзоларининг рақслари тадбирга ўзгача файз бағишлади. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Солиҳова ва ҳарбийлашган махсус мактаб интернат курсантларининг биргаликдаги чиқишлари иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлди.

От спорти олий мактаби қатнашчиларининг кўргазмали ҳамда тўсиқлар оша конкура сакрашли чиқишларини завқ билан томоша қилган болаларда ушбу спорт турига қизиқиш уйғонган бўлса ажаб эмас.

Тадбир якунида болажонларга байрам совғалари улашилди. Хуллас, бу кун мурғак қалблар севинчу шодликка тўлиб, болаликнинг бетакрор, беғубор таассуротли лаҳзалари яна биттага кўпайди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ.**





Суратларда: *тантанадан лавҳалар.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

# ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ТОПШИРИЛДИ



***Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва масъул ходимлари белгиланган режа асосида умумтаълим мактаблари, лицей, коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари билан учрашувлар ўтказиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, турли хил диний экстремистик кайфиятдаги кишилар таъсирига тушиб қолмаслик ва бошқа ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар уюштиришяпти.***

Навбатдаги тадбир Кегайли туманидаги 4-ўрта мактабда ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-майор М. Бабаниязов мактабни битираётган ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини тантанали равишда топширди. Мустақил ҳаётга йўлланма олаётган йигит ва қизларнинг олий ўқув юртларида билим олиб, Ватанга, халққа сидқидилдан хизмат қилаётган фуқаролар сафидан ўрин олишларини тилади. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник К. Сарбаев ёшларга фуқаролик паспортидан фойдаланиш қоидалари ҳақида тушунтирди.

**Ж. ОТЕНИЯЗОВ,**
*майор.*

**Суратда:** ***Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-майор М. Бабаниязов фуқаролик паспортини топширмоқда.***

**О. ЕРМАНОВ олган сурат.**

МУЛОҲАЗА

# ВАҚТ, ИМКОН ТОПИШ КЕРАК

***Болаларни ҳимоя қилиш деганда уларни ҳаётдаги турли кўнгилсиз ҳодисалардан асрашни ҳам тушуниш керак. Мен йўл-транспорт ҳодисаларини ҳам ана шу сирага киритган бўлардим. Афсуски, ҳали ҳам болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари юз бериб турибди. Бунинг сабаблари балки улар йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмаслигидадир? Ана шу мулоҳазада айрим мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчиларига мурожаат этдик.***

Муаллимлар билан суҳбатлашганимизда мактаб дастурида йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишга вақт ажратилмагани маълум бўлди. Улар ўқувчиларга мазкур қоидалар ҳақида ҳафтасига бир соат ўтиладиган синф соатларидагина тушунча беришар экан.

Тўғри, мактабларда ўтказиладиган турли кўрик-танловларда баъзан йўл ҳаракати қоидаларидан ҳам саволлар киритилади. Гоҳида меҳнат дарсларида ўқувчилар устозлари раҳбарлигида бирор йўл белгиси ёки светофор ясаб, шу асонда унинг аҳамияти, вазифаси ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилишади. Аммо бу етарли эмас.

Эсингизда бўлса, бир пайтлар юқори синф ўқувчилари ўртасида ҳар йили «Светофор» мусобақалари ўтказиларди. Бу мусобақаларда қатнашиш шарафли ҳисобланарди. Афсуски, ҳозирги ўсмирлар кўпроқ бошқа кўнгилочар мусобақаларга қизиқишади. Ўқитувчилар эса мактаб дастурлари тиғиз тузилганлиги, йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишга вақт етишмаслигидан нолишади.

Нима бўлганда ҳам муаллимлар вақт, имкон топиб ўқувчилар билан ушбу қоидалар ҳақида кўпроқ суҳбатлашсалар яхши бўларди. Шунда транспорт билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ҳам камаярмиди...

**Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.**

«ҒАЛЛА-2006»

# МАВСУМНИ БЕТАЛОФАТ ЎТКАЗАЙЛИК

**Мамлакатимизда ғалла ўрим-йиғими бошланяпти. Жанубий вилоятларда комбайнлар ғаллазорларга йўл олди. Бутун диққат-эътибор ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиб, етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай омборларга етказиб беришга қаратиляпти. Айни кунларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда мавсумга кўрилган тайёргарликларни яна бир бор текширувдан ўтказишмоқда.**

**САМАРҚАНД.** Вилоят ИИБ ЁХБ ходимлари томонидан мавжуд 22 та машина-трактор паркларида мавсумда фойдаланиладиган барча комбайнларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати текширувдан ўтказилди. Шунингдек, дон ташувчи юк машиналари, тиркамали тракторларнинг ҳайдовчиларига ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунтириш ўтказилди. Қоидаларга жавоб бермайдиган транспорт воситаларини ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида жиҳозлашга кўрсатма берилди. Вилоятдаги 18 та дон қабул қилиш ва 4 та қайта ишлаш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан бир қаторда мутасадди раҳбарларнинг навбатчилиги ташкил этилди.

**А. ЭРГАШЕВ,**
*сержант.*

* * *

**ТЕРМИЗ.** Бу йил жанубий вилоятда салкам 100 минг гектар ерда ғалла етиштирилди. Дон ҳосилини йиғиштириб олиш учун 216 та турли русумдаги комбайнлар далага чиқади. Барча ўрим-йиғим комбайнлари, машина ва юк ташиш тракторлари, учқун ўчиргич, шунингдек, ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш назоратга олинган. Ҳар бир хирмон ва омборда ёнғин хавфсизлиги ходимларининг кеча-кундуз навбатчилиги ташкил этилди. Қоидаларга амал қилинмаган, эътиборсиз қаралган фермерлар уюшмаларида, мутасадди раҳбарларга нисбатан чоралар кўриляпти. Ангор, Музрабод, Жарқўрғон туманлари дон қабул қилиш масканларида қатор камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш учун қатъий кўрсатма берилди.

**А. НОМОЗОВ,**
*майор.*

* * *

**ГУЛИСТОН.** Мавсум олдидан Сирдарё вилоятининг машина-трактор паркларида ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан мониторинг ўтказилди. Яъни, мавсумда иштирок этадиган комбайн, трактор, машиналарнинг ҳолати ўрганиб чиқилиб, аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан маслаҳатлар берилди. Ўрим-йиғим даврида йўл-патруль хизмати ходимлари ҳосил ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатини назорат қилиб борадилар. Ташмачилик, ўғриликларнинг олдини олиш учун бошқа хизмат ходимлари ҳам жалб этилади.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
*майор.*

**ТОШКЕНТ** вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги ходимлари буғдойни қуритиш, вақтинчалик сақлаш хирмонлари ва омборларни янги ҳосилларни қабул қилиш олдидан яна бир бор текширувдан ўтказдилар. Ҳар бир маскандаги ҳовузлар сувга тўлдирилиб, мотопомпаларнинг шай ҳолатга келтирилгани таъминланди. Ундан ташқари ҳар бир омборга ўт ўчириш машиналари қўйилган. Омбор ходимлари ва ишчилари билан ёнғин хавфсизлиги бўйича суҳбатлар ўтказилди. Зарур бўлганда биринчи навбатда қилинадиган ҳаракатлар бўйича амалий машғулотлар ўтилди.

**Б. СОДИҚОВА,**
*катта лейтенант.*

# ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА



***Республикамизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ва ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини кенг кўламда тарғиб қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аммо таҳлиллар мамлакат ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари сони юқори даражада қолаётгани ва бу борада кескин чора-тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда. Биз Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Бахтиёр Эрматов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.***

**— Бахтиёр Носирович, касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул, дейишади. Шунга кўра, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида ўз мулоҳазаларингизни билдирсангиз.**

— Бош бошқармамиз томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича муайян тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан, 2006 йилнинг 1 июнидан 1 июлига қадар республикамиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Бунда транспорт воситалари, пиёдалар, хусусан, болалар иштирокидаги йўл - транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва ушбу масалаларга кенг жамоатчилик, турли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эътиборини қаратиш асосий вазифалар этиб белгиланди. Албатта, бу каби тадбирларни йил давомида ҳам амалга ошириб борамиз, лекин афсуски, йўлларимизда ҳамон йўл-транспорт ҳодисалари рўй бермоқда. Уларнинг олдини олиш учун эса одамлар онгига йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш ҳиссини чуқур сингдириш даркор.

**— Йўл-транспорт ҳодисалари асосан қандай сабабларга кўра кўпроқ содир бўлади?**

— Сабабсиз воқелик бўлмайди. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида рўй берган турли йўл-транспорт ҳодисалари ва улар оқибатида фуқароларнинг жабрланганлик ҳолатлари бунга шоҳидлик беради. Ушбу нохуш воқеаларнинг сабаби йўл ҳаракатидаги қоидабузарликлардир. Жумладан, белгиланган тезликни ошириш, йўлчироқ ишораларига амал қилмаслик, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, транспорт воситаларининг техник носозлиги, болаларни беэътибор қолдириш, йўлларнинг қатнов қисмидаги лоқайдлик ва бошқалардир. Бундан ташқари, йўл - транспорт ҳодисаларининг асосий сабабларидан яна бири маҳаллий ҳокимлик, корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик раҳбарларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишларига етарлича аҳамият бермаётганлигида, деб биламан.

**— Қоидабузарликларни аниқлаш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш қандай аҳволда?**

— Йўлларда содир этилаётган қоидабузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан махсус рейдлар, текширувлар ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг тўрт ойи давомида бир миллион икки юз етмиш тўққиз мингдан ортиқ қоидабузарлик аниқланди. Улардан беш юз ўттиз икки мингдан ортиғи қўпол қоидабузарликлардир. Йигирма тўрт ярим минг нафар ҳайдовчи автомобилни маст ҳолда бошқарган. Шунингдек, бир юз ўн уч минг тўрт юз тўрт ҳолатда пиёдалар томонидан қоидабузарликлар содир этилган. Ушбу рақамлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта. Республикамизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги кўп йиллардан бери ўтказилади. Статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, ушбу тадбир давомида қоидабузарлик ва йўл-транспорт ҳодисалари сони кескин камаяди.

**— Республикамиз ҳудудида ўтказиладиган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давомида қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилган?**

— Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ва ҳар бир вилоят, шаҳар ҳокимликлари қошидаги ҳаракат хавфсизлиги комиссиялари ўзларига тегишли ҳудудларда йўллардаги ҳолатни назорат қилиш, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш бўйича марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар ташкил этиш, ҳаракат хавфсизлиги ойлиги тўғрисида реклама, эълонлар, турли кўринишдаги йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилувчи панно, шиор, видеороликлар тайёрлаб намойиш қилишни режалаштиришган. Тарғибот ходимлари маҳалла, мактаб, ўқув муассасалари, ташкилотларда жонли суҳбатлар, ўқув семинарлари ташкиллаштиришни давом эттиришади. Бунда «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳокимликлар, ёнғин хавфсизлиги хизмати, республика Божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Ҳайдовчилари томонидан кўплаб автоҳалокатлар содир этилишига йўл қўйган идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолияти йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияларида муҳокама қилиниб, тегишли чоралар кўрилиши ташкиллаштирилади. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини ўрганиш ва назорат қилиш мақсадида автокорхоналарнинг ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари, маҳалла посбонлари, тиббиёт ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат махсус гуруҳлар тузилади. Республикамиз ҳудудидаги йўллар, бозорлар, идора ва ташкилотлар, болалар муассасалари атрофидаги пиёдалар йўлакчалари, ер ости ўтиш жойлари, пиёдалар ўтиш жойларининг чизиқлари, йўл белгилари, йўлчироқларнинг ҳолатини текшириш, зарур бўлса, уларни ўрнатиш, эскиларини янгилаш юзасидан маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар киритилади.

**— Жорий йилда республикамиз раҳбарияти томонидан йўловчи ташиш тизимини тартибга солиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича бир қатор қарорлар ва фармойишлар эълон қилинди. Уларнинг ижроси қандай таъминланмоқда?**

— Мазкур қарорлар талабларини бажариш борасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан шу ишга мутасадди бўлган ташкилот ва корхоналар, жумладан, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимлари билан ҳамкорликда ҳайдовчилар ўртасида кенг кўламдаги тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаяпти.

Шуни таъкидлаш лозимки, эндиликда йўловчи ташиш фаолияти билан фақатгина юридик шахс мақомига эга бўлган ҳолда шуғулланиш мумкин. Тадбиркорликнинг ушбу турини ихтиёр этган ҳайдовчилар уюшмаларга аъзо бўлишади. Ҳар куни йўналишга чиқишдан олдин ҳайдовчи тиббий, транспорт воситаси эса техник кўрикдан ўтказилади.

**— Йўл ҳаракати иштирокчиларига тилакларингиз.**

— Ҳаракат иштирокчилари йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси, деб билмасликларини истардим. Чунки ҳар биримиз, аввало ўзимиз, қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз.

**Суҳбатдош: М. РИХСИЕВ.**



**Ҳар бир инсоннинг яшашдан мақсади бўлади. Жамиятда ўз ўрнини топиб, унинг тараққиётига ҳисса қўшиш, халқ корига яраш учун бирор касбнинг бошини тутади. Одатда кўпчилик болаликданоқ келажакда ким бўлиши, қандай хизматда ишлашини белгилаб олади. Ана шу касбга қизиқиб, уни эгаллаш учун ҳаракат қилиб, изланиб, ўқиб, ўрганган кишигина мақсадига етади.**

# КАСБ ОДОБИ ҚАЛБДА БЎЛСА

Ер юзидаги касб-ҳунарларнинг саноғига етиш мушкул. Уларнинг бари жамият тараққиёти, давр тақозоси, турмуш зарурияти ва бошқа сабаблар туфайли пайдо бўлган ҳамда йиллар давомида такомиллашиб борган. Халқимизда йигит кишига қирқ ҳунар оз, деган нақл бор. Ҳунарнинг кўплиги ҳеч қачон зиён қилмаган. Бироқ ҳар бир киши аниқ бир касбни эгаллаб, жамиятда ўз ўрнини топиб, Ватанга, халққа хизмат қилиши керак.

Жамият тараққиётида ҳар бир касбнинг ўз ўрни бор. Масалан, ўқитувчи болаларнинг саводини чиқариб, илмли қилади. Шифокор беморларнинг дардига малҳам бўлади. Ҳайдовчилар узоғимизни яқин қилади. Дастурхонимизни ноз-неъматлар билан тўкин қиладиган деҳқон, боғбонлардир. Ички ишлар ходимлари эса юртда тинчлик, осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳар қандай жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга масъулдирлар.

Шу ўринда ҳар бир касбнинг ўзига хос томонлари ҳам бўлади. Шу касбга хос одоб қоидаларига риоя этиш эса касб эгалари учун фарз бўлиши керак. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси» ҳам мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланган. Ушбу ҳужжат ҳар бир ички ишлар ходими учун қоида ҳисобланади.

Одоб — инсон зийнати. У барча яхши фазилатларнинг улуғи. Шунинг учун ҳам инсонга унинг одобига қараб баҳо берилади. Киши ким билан ишламасин инсоний фазилатларни ўзида намоён этиб жамоасида, жамиятда ўз ўрнини топиши керак.

Ички ишлар ходими касб одобини қалбига жо этиб, унга амал қилиши керак. Ана шунда у обрў-эътиборга эга бўлади. Биринчи галда касбига садоқатли эканлигини намоён қилиши лозим. Ички ишлар хизмати бошқа соҳаларга нисбатан машаққатли эканлиги билан ажралиб туради. Бу касбни танлаган фуқаро хизмат машаққатларига чидаши лозим. Сир эмас, айримлар хизмат кийимида кўпчиликнинг эътиборини жалб этиб юрган йигитларга ҳавас қилиб, ишга кирадилар. Аммо қийинчиликларга дуч келган ҳамоно ариза ёзиб хизматдан кетиш тараддудига тушади. Бундайларни халққа, Ватанга хизмат қилиш учун эмас, ўз шахсий манфаатини кўзлаб ишга кирган деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Муҳаммад Пайғамбаримизнинг Ҳадисларида «Бирор касбу ҳунар орқали ризқу насибага эга бўлиб яшаётган одам шу касбни беузр ўзгартирмасин!» дейилган. Қийинчиликлардан қўрқиб, машаққатларга чидай олмаган киши касбини ўзгартиргани билан топганида барака бўлмайди, обрў-эътибор топмайди.

Ички ишлар ходими хизмати давомида кўплаб фуқаролар билан мулоқотда бўлади. Шу боис, муомала одобига риоя этиши зарур. Ҳар қандай вазиятда ҳам қабулига келганларга ёки кўчада атрофдагиларга босиқлик билан ширин муомалада бўлиши лозим. Бирники мингга деганларидек, баъзи ходимларнинг қўпол муомаласи туфайли айрим фуқароларда барча ички ишлар ходимларига нисбатан салбий фикр пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар ҳаётда гоҳида рўй бериб турганини тан олиш керак.

Юртимизда тўй, байрам, тантанали тадбирлар тез-тез бўлиб туради. Тўй-маъракаларга кўплар қатори ички ишлар ходими ҳам таклиф этилади. Касб одобномасида ходимга хизмат кийимида спиртли ичимликлар ичиш қатъиян ман этилиши кўрсатиб ўтилган. Бу фуқаролик кийимида тўйгунича ичиб, бошқаларга «ўрнак» бўлиши мумкин дегани эмас, албатта. Ходим ўзи қатнашаётган ҳар қандай тадбирда иззатини билиши, атрофдагиларга ибрат бўлиши керак.

Кўчада юришнинг ҳам ўзига хос қоидалари бор. Ички ишлар ходими бошқалардан мавжуд тартибга риоя қилиш лозимлигини талаб этиш ваколатига эга. Масалан, йўл ҳаракати қоидаларини бузган кишиларга танбеҳ бериши мумкин. Бироқ ходимнинг ўзи қоидабузарлик қилсачи? Афсуски, гоҳида рулда ўтириб олган ички ишлар ходимининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, йўлчироқ ишорасига бўйсунмай бораётганига кўплар гувоҳ бўлади.




Осойишталик посбонини эгнидаги хизмат кийими уни кўркам қилиб кўрсатади. Айниқса, кийими қоматига мос, ўзи шахдам қадам ташлаб бораётган йигитга ҳамма ҳавас билан қарайди. Касб одобномасида хизмат кийими доим тоза, дазмолланган тарзда бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Айрим чекка туманларда ходимларни қоматига мос келмайдиган, дазмолланмаган кийимда учратиб қоламиз. Хизмат кийимида юриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, яъни ҳар ким ҳам ички ишлар ходими бўлавермайди. Ходим ўзини ҳам ҳурмат қилиши керак. Бу биринчи галда ўзининг ташқи кўринишига эътибордан бошланади.

Инсоннинг жисмонан соғлом бўлиб юриши асосан ўзига боғлиқ. Саломатликни сақлашнинг биринчи шарти спорт, жисмоний тарбия билан шуғулланиш бўлса, иккинчиси овқатланиш маданиятига эътибор беришдир. Спорт билан мунтазам шуғулланиб юрган ходимлар 45-50 ёшга етганларида ҳам, ундан кейин ҳам соғлом, бардам бўлиб юришади. Шахсий гигиена билан биргаликда овқатланиш тартибини бузмай юрганлар касалликка камдан-кам чалинишини изоҳлашнинг ҳожати йўқ. Соғ танда — соғлом ақл деб бежиз айтилмайди.

Касб одобномасида «Ходим эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар жамоасида фуқаролар билан бўладиган мулоқотларда нутқи, хатти-ҳаракатлари, хулқи ва феъл-атворини назорат қилиб бориши, фақатгина ўз гапини маъқуллашга уринмай, бошқаларнинг сўзларига ҳам қулоқ солишга одатланиши керак»лиги таъкидланган. Жамоадаги ходимлар раҳбардан ўрнак олишини унутмаслик керак. Яна бир томони, халқимиз илмли, мансабдор кишилар, шунингдек, ички ишлар ходимларининг сўзларини тартиб-қоида тарзида қабул қилади. Шундай экан, ички ишлар ходими ҳар бир гапни ўйлаб гапириши, фуқаролар билан бўладиган мулоқотда айниқса, етти ўлчаб бир кес, мақолига амал қилиб, тўғри хулоса чиқаришга одатланиши зарур.

Ҳалоллик, камтарлик, пок виждонлилик каби фазилатлар инсонни улуғлайди. Мансаб ёки унвон учун виждонни сотиш, шахсий манфаатни кўзлаб порахўрлик қилиш, одамларни менсимай димоғдор бўлиш охир-оқибатда инсонни уятли аҳволга солади. Бутун умрини ички ишлар хизматига бағишлаб, ҳалол, виждонан ишлаб, айни кунда ҳурмат-иззатда бўлаётган фахрийларимиздан ўрнак олиб, уларга эргашиш кераклиги тез-тез эслатиб ўтилади. Афсуски айрим нафси ҳакалак отиб, нопоклик йўлига кириб қолаётганлар нафақат касбдошлари, умуман инсон номига, шаънига иснод келтиряпти.

Касбига садоқатли бўлиб, Ватан, халқ олдидаги қасамёдига содиқ қолган ички ишлар ходими юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун керак бўлса жонини ҳам аямайди. Мамлакатимизда рўй берган террорчилик ҳаракатлари чоғида мардларча ҳалок бўлган ходимларнинг номини халқимиз қалбида абадий сақлайди. Хизмат пайтида жиноятчиларга қарши кураш, уларни зарарсизлантириш ва қўлга олиш жараёнида ҳалок бўлган йигитларнинг касбига садоқатли эканлиги бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Осойишталик посбони шунчаки, номига ишлаш билан чекланмаслиги керак, албатта. Тинмай изланиш, ўқиш, тажрибалардан ўрганиш, ўз устида ишлаш лозим. Давр шиддат билан олға бораяпти. Ҳар бир жабҳада, жумладан, ички ишлар идораларида ҳам ислоҳотлар ўтказилиб, хизматлар замон талаби асосида такомиллашиб бораяпти. Бу ҳар бир ходимдан маҳоратли, жасоратли, матонатли бўлишни тақозо этади. Ходимлар биринчи галда ҳуқуқий жиҳатдан яхши билимга эга бўлишлари лозим. Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришда аввало, ички ишлар ходимлари ҳуқуқий саводхон бўлишлари талаб этилади.

Касб одобномасида ички ишлар ходими «Миллий қадриятларимиз ва тарихий меросларимизни чуқур ҳурмат қилади, ўрганади, тарғиб қилади», дейилган. Ҳар ҳафтада ички ишлар идораларида шахсий таркиб учун ўтилаётган Маърифат дарсларида узоқ тарихимиз, асрлар бўйи давом этиб келаётган урф-одатларимиз, жаҳон илм-фани, маданияти, шунингдек, Ислом динининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган аллома боболаримиз ҳаёти, бой илмий мероси, миллатимизнинг равнақи учун курашган сиймолар, замондош атоқли кишилар ҳаёти, ижоди ҳақидаги ва бошқа маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қиладиган мавзулар ўрин олган. Машғулотларни яхши ўзлаштирган ходимларнинг билими, онги ошиб боряпти.

Ички ишлар хизматига ўз хоҳиши билан кирган ҳар бир ходим касб одобномаси қоидаларига риоя этиши зарур. Чунки унда етук инсон, ҳар томонлама камол топган мутахассис бўлиш учун зарур фазилат, хислатлар кўрсатиб ўтилган. Бундай фазилатларни ўзида мужассам этган ходимлар халқнинг фидойи фарзандлари қаторидан ўрин олади.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир ички ишлар ходими Юртбошимиз И. Каримовнинг «Бу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир» деган сўзларини, касб одобини қалбига жо қилган ҳолда ишлаши керак.

**С. АБДУЛЛАЕВ.**

**Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Темирйўлчилар» маҳалласи идораси байрамона руҳ касб этган. Фаоллар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизғин тайёргарлик кўришди. Маҳалла аҳли билан ҳамсуҳбат бўлганимизда халқ ҳаётида бениҳоя муҳим аҳамият касб этаётган ушбу сиёсий тадбирга ҳеч ким бепарво, бефарқ эмаслигининг гувоҳи бўлдик.**



# Эл ишончи қанот бўлажак

Маҳалладаги 26 миллатдан иборат, 2100 дан зиёд аҳоли ҳамжиҳатлик билан умр кечиришмоқда. Ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги, халқнинг ҳуқуқий онги давр талабларига монанд эканлиги ҳар бир суҳбатдан яққол сезилиб турибди. Гап фуқаролар йиғинига кимнинг оқсоқол бўлишида эмас, балки ўзини-ўзи бошқариш идораси чин маънода халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаётганидадир.



Идора ҳовлисининг кўзга кўринарли жойига оқсоқолликка номзодларнинг суратлари, таржимаи ҳоллари осиб қўйилган. Шунингдек, бу ерга ташриф буюрган ҳар бир фуқаро сайлов ҳақидаги қонунлар тўплами, барча маълумотлар мужассамлашган ҳужжатлар билан танишиб чиқиши мумкин.

— Одамларнинг тафаккури, дунёқараши, ўз юртига, маҳалласига бўлган муносабати аввалги йилларга қараганда тубдан ўзгарганлигини ўз иш фаолиятимда ҳис қилиб турибман, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар комиссияси раиси Зулфия Раджибоева, — Одамлар бемалол келиб ўз дардини бизга айтиб, маслаҳат ёки ёрдам сўрашмоқда. Йил бошидан бери 130 оилага моддий ёрдам берилгани ҳам бунга мисол бўла олади. Айниқса, ёлғиз қариялар, уруш ногиронлари алоҳида диққат-эътиборимизда.

Маҳалла оқсоқоли Махамаднияз Абутовдан сўраймиз:

— Сайловга номзодингизни қўйибсиз. Бошқа талабгорлар ҳам бор экан. Ютқазиб қўйишдан қўрқмайсизми?

— Йўқ, шу халқ кимга ишонч билдирса, ўша киши оқсоқоллик қилади. Бундан фожиа ясамаслик керак. Очиғи, оқсоқоллик баъзилар тушунганидек амал, мартаба эмас, балки катта масъулиятдир. Мана шу бугун бир оилавий жанжални бартараф этдик. Уларнинг келажакда аҳил яшаб кетишларига имкон яратдик. Уйимга одамлар кечаси ҳам ўз муаммолари билан келишади. Бундай ташвиш, ғалва кимга ҳам керак. Лекин бу ишлар билан ҳам кимдир шуғулланиши керак-ку, ахир.

Тадбирда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Махамаднияз Абутов ўтган 2,5 йил мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоб берди. Нотиқ ўз сўзида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар хусусида очиқ-ойдин ўз фикрини баён қилди. Жумладан, шундай деди:

— Асл мақсадимиз маҳаллани обод, энг намунали маҳаллага айлантиришдан иборатдир. Баҳорда аҳоли шунингдек маҳалламиз ёнидаги қисм ҳарбийлари кўплаб манзарали кўчатлар ўтказишди. Наврўз байрами арафасида барча оилалар уйлари атрофини ободонлаштиришди. Шу кунгача 690 нафар одам турли хил масалалар билан мурожаат қилган. Уларнинг талаблари асосан қондирилди. Олдимиздаги бундан кейинги асосий масала истироҳат боғимизни янада кўркам, обод қилишдан иборатдир. Бу масалани туман ҳокимлиги кўмагида ҳал қилмоқчимиз.

Энг қувонарлиси шундаки, маҳалламизда йилдан-йилга жиноятчилик, ҳуқуқбузарликлар камайиб, аҳоли осойишталиги таъминланмоқда. Бунинг сабабини профилактика катта инспектори, майор Шеримбат Базарбоев, профилактика инспектори, катта лейтенант Дониёр Қодировларнинг халқ билан бамаслаҳат иш олиб бораётганида, деб биламан. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли йилдан-йилга жиноятчилик камайиб бормоқда. Бундай ютуқларга ички ишлар ходимларининг маҳалла фаоллари билан доимий ҳамкорлиги натижасида эришилмоқда.

Сўзга чиққанлар маҳалла оқсоқоли, Махамаднияз Абутовнинг фаолиятига ижобий баҳо беришди.

«Темирйўлчилар» маҳалла аҳли мамлакат бўйлаб амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишмоқда. Бу ўз юртининг эртанги куни, истиқболи ва тараққиёти учун ана шу сайловга келиб овоз бераётган фуқароларнинг кўтаринки кайфиятида яққол акс этиб турибди. Мана бугун катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, узоқ йиллар ички ишлар тизимида самарали хизмат қилиб қадр топган, элим-юртим деб ёниб яшайдиган чин маънодаги фидойи инсон — Махамаднияз Акрамович Абутовга қаторасига бешинчи маротаба ишонч билдирилди. Бу ишонч қайта сайланган оқсоқолга қанот бўлишига шубҳа йўқ.

**Х. ФУРҚАТОВ.**

**КУРСАНТЛАР МИНБАРИ**

***Ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислоҳотлар жараёни соҳани мард ва жасур, маънавий етук, жисмонан бақувват, билимли кадрлар билан мустаҳкамлашни тақозо этади. Давр шиддат билан одимламоқда. Бугун талаб ҳам, масъулият ҳам ортган. Курраи заминнинг ҳали у, ҳали бу ерида юз бераётган террорчилик ҳаракатлари соҳа ходимларидан юксак касб маҳорати, жасурлик ва фидойиликни талаб қилади. Шу сабабли ички ишлар идоралари сафларига бўй-басти келишган, жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан баркамол бўлган номзодларни қабул қилиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шу маънода олиб қараганимизда республика ИИВ Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юрти мана 16 йилдирки давр талабига жавоб бера оладиган етук кадрлар тайёрлаб бермоқда.***

# Ота изидан



Бу даргоҳда курсантларнинг билим олишларию амалий машғулотлар ва жисмоний тайёргарлик билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар яратилган. Саф тортиб, шахдам қадамлар билан одимлаётган курсантларнинг юзларидан қатъият балқ уриб турибди. Бизга ҳамроҳлик қилган билим юрти тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, полковник Ўктам Умаров барча соҳаларда ўрнак бўлаётган йигитлар билан таништирар экан, тактик қўмондонлик йўналишининг 3-босқич курсанти Фозилжон Ариповнинг номини алоҳида мамнуният билан тилга олди. У барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштираётган экан.

Фозилжон билан суҳбатлашар эканмиз, фикрларининг теранлиги, чуқурлиги диққатимизни тортди. Ички ишлар идораларида хизмат қилиш унинг болаликдаги орзуси эди. Бу касбга ҳавас, иштиёқ Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасида терговчи бўлиб ишлаган отасидан ўтганди. Ўткир ака Фозилжонни келгусида албатта ўзи сингари ички ишлар ходими бўлиб етишишини истарди. У ўғлини дарсдан бўш пайтларида ёнида олиб юрганида, милиция ходимлари ҳаётидан бир-биридан қизиқарли ҳикоялар айтиб берарди. Айниқса, жиноят қидирув хизмати ходимлари фаолиятига доир саргузаштларга бой воқеаларни у қизиқиш, ҳайрат билан тингларди. Кутилмаганда шафқатсиз ўлим отасини айни навқирон 35 ёшида оила бағридан юлиб олиб кетди. Икки ўғил ва бир қиз отадан жуда эрта айрилди. Фарзандлар тарбияси, оила юки ўқитувчи бўлиб ишлаётган онанинг зиммасида қолди.

Фозилжон руҳан чўкмади. Онасининг: «Ўғлим, ҳар бир инсоннинг тақдири ўз қўлида. Сен келажакка ҳозирдан замин ҳозирлашинг керак», — деган сўзлари унинг билим олишга иштиёқини янада ошириб юборди. Шу кундан бошлаб ўз устида тинимсиз ишлади. Ўқиш билан биргаликда Чилонзор туманида жойлашган Самуэл Жексон номидаги 8-сонли бокс мактабига қатнай бошлади. Қунт билан олиб борилган машғулотлар ўз натижасини берди. У бир неча бор мактабларaро ўтказилган мусобақалар ғолиби бўлди.

Мактабни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатномани қўлига олиши билан отасининг қабрини зиёрат қилиб, падари бузруквори васиятини адо этишга аҳд қилди. У ўзининг тайёргарлигидан кўнгли тўқ эди. Шу сабабли онасининг оқ фотиҳасини олиб, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртига ҳужжат топширди. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, курсантликка қабул қилинди. Мана, шунга ҳам уч йил бўлди. У айни кунларда 3-босқич курсанти. Полковниклар Жавлон Қодиров, Эркин Мирходжаев, майор Хайрулла Нуриллаев, математика ўқитувчиси Жамол Сирановлар Фозилжоннинг барча дарсларни, амалий машғулотларни, жисмоний тайёргарликни аъло даражада бажараётганини сўзлаб беришди.

Халқимизда «от ўрнини той босар» деган нақл бор. У отаси ишининг давомчиси бўлиб ички ишлар ходими деган юксак номга сазовор бўлиш учун билим юртида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.

Қаҳрамонимизни суҳбатга тортиб, келгуси орзулари ҳақида биз билан ўртоқлашишни сўрадик. У шундай деди:

— Ахир, биз Амир Темур авлодларимиз. Бу биз курсантларга катта масъулият юклайди. Агар мақсадим бойлик орттириш, бекаму кўст турмуш кечириш бўлганида тадбиркор, ишбилармон бўлардим. Ҳозир уларга кенг йўл очилган. Лекин мен отам сингари халқимнинг тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилмоқчиман. Шунинг учун ҳам ҳарбийлик касбини танладим.

Биз ҳам Фозилжоннинг келгуси орзулари ушалиб, офицер бўлиб етишишига омадлар тилаб қоламиз.

**Ф. АБДИЕВ.**

***2005 йил 1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.***

***Ушбу фармоннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ўлим жазосини бекор қилиш ва уни жиноий жазолар қаторидан батамом чиқариб ташлаш борасида кўплаб баҳс-мунозаралар юритилмоқда. Уларда мамлакатимизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари ва кенг жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этишмоқда.***

***Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, профессор Акмал САИДОВ билан шу мавзуда суҳбат қилди. Қуйида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.***

# Ўлим жазосига ўрин бўлмаслиги зарур

***— Ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги Фармоннинг зарурати ва аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?***

— Ўзбекистон 1991 йил 31 августда давлат мустақиллигини эълон қилиб, ўтган давр ичида инсон ҳуқуқлари бўйича олтмишдан ортиқ халқаро ҳужжатларни ратификация қилди ҳамда бу билан ўз зиммасига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларга риоя қилиш юзасидан муайян мажбуриятлар олди. Ҳаётга бўлган табиий ҳуқуқ — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг асосийси ҳисобланади.

Давлат қонунларининг бузилишига давлатнинг муносабати сифатида «ўлим жазоси берилиши керакми ёки йўқ», деган масала кўп асрлардан буён нафақат юристлар, балки давлат органлари, жамоатчилик вакилларининг, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, оддий фуқароларнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Ушбу муаммо билан боғлиқ мунозаралар гоҳ авж олади, гоҳида тинади. XX асрнинг охирги ўн йиллиги бу муҳокаманинг ўта фаоллашганлиги билан ажралиб туради. Бу жараён 1977 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 32-сессиясида бошланган эди. Ушбу сессияда қабул қилинган Резолюцияда шундай дейилганди: «Ўлим жазоси бекор қилинишидан келиб чиқиб, уларга нисбатан ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар сонини тобора кўпроқ чеклаш, ўлим жазоси масаласида кўзланган асосий мақсад бўлиши керак». Шундай қилиб, жаҳон ҳамжамияти БМТ Бош Ассамблеяси тимсолида ушбу муаммо юзасидан ўз фикрини етарлича аниқ билдирди. Миллий қонунчиликда жазо чораси сифатида ўлим жазосини аста-секин бекор қилиш фикри тобора устунлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини ривожланиш тенденциялари қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳаларида 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланган инсонпарварликнинг ахлоқий асосларини изчил акс эттиради. Асосий Қомусимизнинг муқаддимасидаёқ «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш» асосий вазифалардан бири сифатида эълон қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят» деб белгилаб қўйилган.

Юртбошимизнинг Фармони Ўзбекистоннинг ҳам халқаро мажбуриятларига содиқлигига, ҳам инсонпарвар фуқаролик жамиятини қуриш мақсадларига тўла жавоб беради. Фармоннинг зарурати ва тарихий аҳамияти ана шундадир.

***— Мамлакатимизда шу пайтгача жазо тури сифатида ўлим жазосининг қўлланилиб келинаётганлиги собиқ шўро тузуми асорати эмасмикан?***

— Ҳа, Ўзбекистонда давлат мустақиллигини қўлга киритгунга қадар 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси амал қилар эди. Ушбу кодекс собиқ Иттифоқ қонунчилигининг кўплаб белгиларини ўзида сақлаб қолганлиги учунгина эмас, балки кўплаб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муаммоларни ва жамиятнинг бошқа муаммоларини ҳал этишда қатағонларнинг қудратига ва мажбурлашнинг роли оширилишига ишонч аниқ акс эттганлиги сабабли ҳам, собиқ Иттифоқнинг тоталитар маъмурий буйруқбозлик тизими жиноий амалиётининг ёрқин намунасини ифодалар эди.

Бу ўлим жазоси қўлланилишида ҳам мужассамланган эди. Тўғри, ўлим жазоси ушбу жазо чорасининг «фавқулоддалиги», «вақтинчалиги» тўғрисидаги қонунчилик қоидалари билан хаспўшланарди. Шу билан бирга бу қоидалар воситасида дастлаб ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг 1958 йилги Жиноят қонунчилиги асосларининг 22-моддасида назарда тутилган ўлим жазоси тарзидаги жазо берилишига йўл қўйиладиган жиноятларнинг олти турини (Ватанга хиёнат қилиш, жосуслик, диверсия, террорчилик ҳаракати, бандитизм, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш) кейинчалик «ўлим моддалари» деб аталган моддалар рўйхати билан жиддий равишда кенгайтиришга монелик қила олмади. Бундай кенгайтириш қонунга ва эълон қилинган жиноий сиёсат принципларига беписандлик натижаси эди. Чунки ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг 1958 йилги Жиноят қонунчилиги асосларининг 22-моддасининг дастлабки таҳрири ушбу жазо чораси қўлланилиши мумкин бўлган жиноят турларининг батафсил рўйхатини назарда тутиб, жиноятлар уруш даврида ва жанговар вазиятда содир этилиши шарти билан ўлим жазоси бериладиган ўта оғир жиноятлар сони кўпайтирилиши мумкинлигига йўл қўяр эди.

Ўлим жазоси қўлланилиши йўл қўйиладиган жиноятлар рўйхати кенгайтирилиши тенденцияси Совет Иттифоқи парчаланиши пайтига келиб, Ўзбекистоннинг Жиноят кодексида тинч даврда содир этилган жиноятларнинг 16 тури ва уруш даврида ёки жанговар вазиятда содир этилган жиноятларнинг 17 тури учун ўлим жазоси қўлланилиши назарда тутилишига олиб келди. Жами 33 та моддада ўлим жазоси кўзда тутилган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг 1959 йилги Жиноят кодекси республика мустақиллигининг дастлабки йилларида амал қилишда давом этиб, ўлим жазосига нисбатан энг радикал нуқтаи назарни акс эттирар эди. Ўлим жазоси тарафдорлари жиноят қандай ижтимоий муносабатларга қарши қаратилганидан қатъи назар, унинг амалда исталган оғир жиноят учун қўлланилиши мумкинлигига йўл қўяр эдилар. Боз устига, ўлим жазоси билан жазоланадиган жиноятлар рўйхати совет жиноий амалиёти устуворликларини, айнан олганда, биринчи навбатда давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини аниқ намоён қилар эди. Бу ушбу муаммонинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатидан кўра кўпроқ сиёсий жиҳатини акс эттирар эди.



***— Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилингандан буён ўтган йиллар мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши соҳаси аста-секин камайиб борди. Республикамиз Президентининг Фармонига кўра 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси мамлакатимизда бекор қилинади. Буни мустақиллик шарофати ва мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари тантанаси деб ҳисоблаймиз. Бу борадаги сизнинг фикрларингиз?***

— Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши конституциявий тузум асослари тубдан ислоҳ қилинишини бошлаб берди. Бу янги ҳуқуқий сиёсатни, шу жумладан, жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳам янги сиёсатни шакллантириш зарурлигини талаб этарди. Янги иқтисодий тизимда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳамда ривожланишнинг ўзига хос йўллари истиқболларини ҳисобга олган ҳолда суверен Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши кураш олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этиши керак бўлган янги Жиноят кодексини ишлаб чиқиш муаммоси кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири эди.

Табиийки, янги Жиноят кодексини ишлаб чиқиш концепциясида ўлим жазоси масаласи муҳим масалалардан бири бўлди. Ушбу масала жиноятчиликка қарши кураш стратегиясининг ишлаб чиқилган концепциясини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилди. Унга мувофиқ асосий мақсад — ҳар бир жиноят учун ва жиноятни содир этган ҳар қандай шахсга нисбатан унинг қўлланилиши муқаррарлигини ва жиноий сиёсатнинг истиқболдаги мақсади — жиноятчиликни пасайтиришни таъминлаш воситасида Жиноят кодексининг самарадорлигини ошириш зарур эди.

Ўлим жазоси қўлланилиши соҳасини аста-секин торайтириб бориш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган жиноий жазо ва суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш жараёнларининг устувор йўналишига айланди. 1994 йилги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ўлим жазосини кўзда тутган моддалар сони 13 та бўлган бўлса, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда тўрттага камайтирилди. Ҳозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейин фақат иккита жиноят — ўта оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун ўлим жазоси назарда тутилади.

Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилигида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони жиноий жазоланадиган қилмишлар умумий сонининг бир фоизидан камини ташкил этишини алоҳида қайд этиш лозим. Содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар, ўлим жазосини, биринчидан вояга етмаганларга, иккинчидан аёлларга, учинчидан, 60 ёшдан катта ёшдаги шахсларга нисбатан қўллаш тақиқланади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларидан, инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилган ва мустаҳкамлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиқиб, ҳамда жиноий жазони янада эркинлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони билан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси 2008 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ бекор қилинади ва умрбод қамоқ жазоси ёки озодликдан маҳрум қилишнинг узоқ муддатлари билан алмаштирилади.

***— Ўтказилган социологик сўровлар шуни кўрсатдики, айрим фуқаролар ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши фикр билдирмоқда. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?***

— Шундай қилиб, ўлим жазоси қўлланилиши соҳасини нафақат қонунчилик, балки реал ижро этиш даражасида қисқартириш тенденцияси инсонга нисбатан инсонпарварлик муносабатини намоён этиш, унинг қадриятлари, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини юксакка кўтариш, ижтимоий онгга тарихан ўзбек халқига хос бўлган эзгулик принципларини сингдириш, Ўзбекистон Республикаси томонидан ўзининг халқаро мажбуриятларини бажариш имконини беради. Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш масалалари бўйича «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар фуқароларнинг ўлим жазосига нисбатан муносабати ўзгарганидек муҳим тенденцияни аниқлади. Сўров натижаларига биноан ўлим жазоси бекор қилинишига тарафдор бўлган фуқаролар сони кўпаймоқда (1999 йилдаги 16,9 фоиздан 2005 йилдаги 29,1 фоизгача) ва тегишли равишда ўлим жазоси тарафдорлари сони қисқармоқда (1999 йилдаги 76,9 фоиздан 2005 йилдаги 70,9 фоизгача). Бу аҳоли орасида кенг ахборот тушунтириш ишлари олиб борилган ва тегишли шарт-шароитлар яратилган тақдирда ўлим жазоси тарафдорлари вақти келиб, озчилик бўлиб қолишини башорат қилиш учун асос бўлади.

Бироқ жамоатчилик фикри сўрови 2005 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган фожиали воқеалар мамлакат фуқароларининг террорчилар ва диний экстремистларга нисбатан салбий муносабати мустаҳкамланганлигини кўрсатди. «Сизнинг фикрингизча, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги ва қурбонлар берилганлиги учун ким айбдор, бунга ким жавоб беради?» деган саволга сўраб чиқилганларнинг мутлақ кўпчилиги (90,4%) ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги ва қурбонлар берилганлиги учун бутун жавобгарлик террорчилар ва диний экстремистлардадир, деб жавоб беришди. Ва шу сабабли бугунги кунда ҳар икки респондентдан бири (49,9%) хатти-ҳаракатлари инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилар учун ўлим жазосига мораторий жорий этилишига қаршидир.

Умуман олганда, ўтказилган сўровлар мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш масаласида республика аҳолиси ягона фикрга келмаганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, жамоатчилик фикри қуйидаги масалада якдилдир: мамлакат фуқаролари инсонпарвар жамиятда яшашни хоҳлайди. Аҳолининг мутлақ кўпчилиги (98,4%) мамлакат Президентининг мамлакатни ҳуқуқий тартибга солишга, терроризм, диний экстремизм ва радикализмга қарши кураш олиб боришга қаратилган нуқтаи назарини маъқуллайди ва тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

**Суҳбатдош: Фуркат ХОЛИҚУЛОВ.**

# ОЗОДАЛИККА НИМА ЕТСИН

Кенг, равон йўллар, сервиқор дарахтлар, гулзорлар, йўл чеккасидаги кўм-кўк майсалар, шарқираб сув оқиб турган ариқлар пойтахтимиз жамолига янада чирой бахш этади. Биз доим шаҳри азимни ана шундай кўркамликда кўргимиз келади. Бироқ айрим жойларда тозалик, озодалик, ободончиликка эътибор берилмаётгани дилни хира қилади. Тошкент шаҳар ИИББ экология ва тозаликни назорат қилиш батальони сардори, майор Нарзулла ХУДОЙБЕРДИЕВ билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Пойтахтимиз тобора гўзаллашиб бораяпти. Унинг чиройига чирой қўшиб, бутун дунёга кўз-кўз қилиш аввало, ўзимизнинг қўлимизда. —деди у. Айтмоқчиманки, унинг тоза, озода бўлиб туриши шу шаҳарда яшаётган ҳар бир фуқарога, келиб кетадиган меҳмонларга боғлиқ. Бир кеча кундузда шаҳардан ўнлаб тонна чиқинди ва ахлатлар олиб чиқиб ташланади. Агар бир кун «Махсустранс» машиналари ишга чиқмаса, пайдо бўладиган манзарани кўз олдингизга келтириш даҳшатли.

Шаҳарда озода, сувлар сепилган, дарахтлар суғорилган, озгина ахлат тўпланиб қолса дарров тозалаб қўйиладиган маҳаллалар кўп. У ерда бўлсангиз, баҳри дилингиз очилади. Бундай маҳаллалар шаҳримизнинг Шайхонтоҳур, Учтепа, Юнусобод туманларида айниқса, кўп. Аммо ариқларда сув оқмай, ахлатларга тўлган, дарахтлар сувсизликдан қуриб бораётган жойлар ҳам йўқ эмас.

Тозалик ва антисанитария ҳолатлари ҳақида гап кетганда кўпроқ бозорлар кўз олдимизга келади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки айрим бозорларнинг савдо-сотиқ тугагандаги манзарасини таърифлашга тил ожизлик қилади. Айрим сотувчилар буюмлар ўралган қоғозлар, қутилар, ёрликларни савдо қилинаётган жойга ташлаб, кечки пайт ўзларидан бир уюм ахлат қолдириб кетаверишади. Халқимизда тоза жойда барака бўлади, деган доно нақл бор.



Айрим фуқароларга дуч келган жойга қоғоз, елим халта, умуман чиқиндиларни ташламасликни эслатсангиз, «супурувчилар бор, ойлик маошини олгандан кейин тозалайди-да» деган гапни эшитасиз. Албатта, маданиятли, ўзини ҳурмат қиладиган кишилар ўз уйларини қандай тоза тутишса, кўчада, жамоат жойларида ҳам шунга риоя қилишади.

Май ойининг ўзида шаҳримизда санитария қоидалари бузилган 5700 та ҳолат аниқланди. Шундан 2024 тасида фуқаролар расман огоҳлантирилди. 3766 нафар фуқарога эса маъмурий баённома тузилиб, 25 миллион сўмга яқин жарима солинди. Шуниси ажабланарлики, айрим фуқаролар бир неча марта жарима тўласалар ҳам ҳеч иккиланмай яна қоидабузарликни давом эттираверишади. Наҳотки айрим кишилар атрофдагиларнинг, қолаверса, ўзининг саломатлигига хавф солиб, белгиланмаган жойда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш, антисанитария қоидаларига риоя этмасдан пул топишни афзал билса.

Шаҳримизда гулзор, яшил ҳудудлар кўп. Улар парваришлаб, суғориб турилади. Бу гўзалликларни кўрган кишининг дили яйрайди. Узоқ-яқиндан шаҳримизга келган меҳмонлар ҳам ҳавас қилади. Бироқ ана шу гўзалликни оёқ ости қиладиган фуқароларга нисбатан нима дейиш мумкин? Улар мол-қўйларини шундоқина гулзор, дарахтзор, яшил ҳудудларда боқишади. Буни кўрган маҳалла оқсоқоллари, фаоллар наҳотки тескари қараб кетишса, деган хаёлга борасан киши. Биргина май ойида элликка яқин ана шундай ҳолат аниқланиб, мол эгаларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Пойтахтда кўплаб канал ва ариқлар бор. Улардан оқадиган сув биринчи галда шаҳарнинг экологик ҳолатини яхшилаб туради. Яъни, саратон иссиғида атрофга салқинлик бахш этади, дарахтларга, гулларга жон бағишлайди. Бироқ уларнинг айримларида оқаётган сувни кўриб бўлмайди. Бунга ҳам фуқароларимиз айбдор, албатта. Масалан, «Кўкча» ариғига ахлат ташлаган, оқава сув оқизиб қўйган саккиз нафар хонадон эгаларига жарима солинди.

Жарима солиб, пули ундирилгани билан шаҳар озода бўлиб қолмайди, албатта. Турли хил касалликларнинг айнан ифлос жойлардан, чиқинди ва ахлатлардан тарқалишини яхши биламиз. Кўра била туриб, теварак-атрофни ифлослантириш, дуч келган жойга ахлат ва чиқинди ташлаш катта гуноҳлардан бошқа нарса эмас.

Биз экологик вазият ва тозаликни сақлашда Тошкент шаҳар ободончилик Бош бошқармаси, туманлар ободонлаштириш бошқармалари, Тошкент шаҳар «Махсустранс» корхоналари бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Ҳар ҳафтада шаҳарда озодалик, тозалик, экологик ишлар таҳлил этилади. Камчиликлар кўрсатилиб, зарур юмушлар белгиланади.

Ҳар куни «Махсустранс» корхоналари машиналари билан бирга ходимларимиз ҳудудларда бўлишади. Кечқурун айрим фуқаролар хонадондаги ахлатларни махсус жойлар қолиб, дарахтлар тагига, дўконлар атрофига, ҳатто йўл четларига ташлаб кетаётганида ушланади.

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, фуқароларимизнинг ўзлари тозаликка риоя этмасалар озодаликка эришиш қийин. Шаҳримизда экологияни яхшилаш, теварак-атрофни озода тутиш ва тозаликни севадиган кишилар кўпчиликни ташкил этар экан пойтахтимиз янада обод ва кўркам бўлаверади.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ**
**ёзиб олди.**

# ҲАВОМИЗ СОФ БЎЛСИН!

Бугунги кунда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, транспорт воситаларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари бир қатор ижобий ишлар амалга ошираётирлар. Вилоят ҳокимининг қарорига кўра вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари, малакали карбюратор усталарини жалб этган ҳолда, экология соҳасига ажратилган 15 нафар ЙПХ нозирлари, мутасадди ходимлар билан ҳамкорликда «Тошкент—Чиноз», «Тошкент—Бекобод», «Тошкент—Ангрен», «Тошкент—Чимён» ва бошқа автомобиль йўлларида, ЙПХ масканларида фаолият олиб боришмоқда. Улар транспорт воситаларининг техник ва экологик ҳолатларини текширишаяпти.

Бундан ташқари, қўшма режа асосида вилоят ҳудудида «Тоза ҳаво» ойлигининг 1-босқичи ўтказилди. Тадбир давомида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга кўра корхона, ташкилот ва муассасаларда текширувлар олиб борилди, ҳайдовчилар ўртасида, маҳаллаларда суҳбатлар ташкил этилди. 1800 дан ортиқ транспорт воситаларининг экологик ҳолати текширилиб, камчиликларга йўл қўйган раҳбар ходимларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, вилоят йўлларидан Тошкент шаҳрига кириб келишдаги ЙПХ масканларида экопостлар ўрнатилгани яхши самара бермоқда. Атроф-муҳит тозалигига эришиш мақсадида транспорт воситаларининг санитария ва экологик ҳолатлари текширилди, мавжуд носозликлар жойида бартараф этилди, созлашнинг имкони бўлмаганлари яқин ерда жойлашган устахоналарга юборилди. Шу йилнинг 5 ойи мобайнида ходимлар томонидан 217 мингдан ортиқ транспорт воситаларининг техник ва экологик ҳолатлари текширувдан ўтказилиб, 19 мингдан ортиғи жойида созланди, 5 мингдан кўпроғи эса устахоналарга юборилди.

Республикамиз ҳудудига хорижий мамлакатлардан кириб келаётган транспорт воситаларини мунтазам текшириш ҳам йўлга қўйилган. Носоз автомобилларнинг санитария ва экология ҳолатлари яхшиланиб, шу кунга қадар 5 мингдан ортиқ эко-рухсатномалар тарқатилди. Шу билан бир қаторда республикамизга чет эллардан келтирилиб, рўйхатга қўйилаётган транспорт воситаларига экосертификатлар берилди.

Амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар, саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса экологиянинг булғанишига йўл қўймаслик, юртимиздаги ҳар бир фуқаро тоза ҳаводан нафас олиб, соғ-саломат ҳаёт кечиришига муносиб улуш қўшишдир.

**Исроилхўжа САИДКАРИМОВ,**
*майор.*

# POSTDA-TV

## ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

**«Биринчи» канал, душанба**
**0.05 «САҲРОИ КАБИР» («САХАРА»)**



Шимолий Африка. 1942 йил июнь ойи. Генерал Роммель армияси билан бўлиб ўтган жангдан сўнг сержант Жо Ганн хизмат қилаётган танк батальонининг биргина ҳарбий машинаси қолган. Ганн йўлда иттифоқчиларнинг бир неча аскарини учратиб, улар билан бирга танкида Саҳрои Кабирга йўл олади. Мақсади – сув топиш.

**Ролларда: Жеймс Белуши, Элан Дэвид Ли.**

**ДТВ, сешанба**
**23.00 «ХОНАНИШИН» («ДОМОРОЩЕННЫЙ»)**



Уч ўртоқнинг ҳаётида оғир кунлар бошланади. Чунки уларнинг хўжайини бўлган наркобарон ўлдирилади. Шундан сўнг дўстлар бизнесни ўз қўлларига олишга қарор қилишади. Оқибатда ҳаётларини катта хавф остида қолдиришади. Аммо очкўзлик қурсин – миллион долларлик даромад турганда айримлар хавф-хатарга ҳам қараб ўтиришмас экан.

**Ролларда: Жон БонЖови, Билли Боб Тортон, Келли Линч.**




**ТВ 3, чоршанба**
**0.00 «ТУШЛАР» («СНЫ»)**

Графиня Призорова машҳур руҳшунос шифокорга мурожаат қилади. Сабаби уни ғалати тушлар безовта қилади. Тушида нуқул қандайдир бир мамлакатдаги умумий овқатланиш ошхонасида идиш ювувчи бўлиб ишлаётганини кўради...

**Ролларда: Олег Басилашвили, Амалия Мордвинова.**



**«Россия», чоршанба**
**23.40 «ЖОНЛИ НИШОН» («ЖИВАЯ МИШЕНЬ»)**

Кичик маҳаллий шаҳар. Унинг барча соҳаларини мафиячилар эгаллаб олган. Ҳокимият вакиллари коррупцияга берилган. Бу шаҳарга ИИВ Марказий аппарати ходими махсус топшириқ билан юборилади. У ноқонуний валюта айланиши йўлларини фош қилиши лозим. Мафиячилар ходимнинг кимлигини аниқлашга уринишади, аммо...

**Ролларда: Александр Абдулов, Игорь Кваша.**

**«Биринчи» канал, пайшанба**
**23.40 «САЙЛГОҲДАГИ ИСКОВУЧЛАР» («ИЩЕЙКИ С БРОДВЕЯ»)**



Нью-Йоркдаги «У Минди» ресторанида сайлгоҳнинг казо-казолари тўпланишади. Бу ерда қимор бизнесининг йирик вакили Брейнга суиқасд уюштирилади. Уни оғир жароҳатланган ҳолда уйига олиб келишади. Аммо хотини ўз эрига ёрдам беришдан бош тортади.

**Ролларда: Мадонна, Мэтт Диллон, Рутгер Хауэр.**

**ДТВ, жума**
**23.10 «C.S.I ЖИНОЯТ ЖОЙИ ЛАС-ВЕГАС» («C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС»)**



Лас-Вегасда полиция бошқармаси ходимлари ҳар йилги югуриш мусобақасида қатнашишади. Шаҳарга мамлакатнинг турли бурчакларидан икки юз минг полициячи келади. Мусобақа ўтказиладиган жой яқинидан эркак кишининг жасади топилади. Тергов ҳаракатлари чоғида марҳум мусобақа қатнашчиларидан бири эканлиги аниқланади...

**Ролларда: Уильям Петерсен, Гэри Дурдан.**




**НТВ, жума**
**0.20 «МОДИЛЬЯНИ»**

Фильм буюк рассом Амедео Модильянининг қизиқарли ҳаёти ва фожиали муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади. Рассом Жанна Хебютернни телбаларча севади, дўсти Пабло Пикассо билан эса рақобатлашади. Пикассо ўлими олдидан «Модильяни» исмини бир неча марта такрорлайди...

**Ролларда: Энди Гарсиа, Ева Герцигова.**




**СТС, якшанба**
**1.00 «АВИАТОР»**

Хьюз Говардга отасидан чоғроққина фабрика мерос бўлиб қолади. У фабрикани тез орада улкан, сердаромад корхонага айлантиради. Ҳа, Хьюз пулга, бойликка ўч. Аммо унинг руҳи юксакликка интилади. Фақат ўша маконда – юксак фазо қўйнидагина у ўзини чинакамига бахтли ҳис қилади.

**Ролларда: Леонардо ДиКаприо, Кейт Бланшетт.**

# ДИАНАНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

*Лондон полициясининг собиқ бошлиғи Жон Стивенс сешанба кунги баёнотида малика Диананинг ўлими билан боғлиқ янги гувоҳлар топилганлигини маълум қилди. «Бу одамлар билан француз полицияси ҳали мулоқот қилгани йўқ. Фақат уларнинг номини ҳозирча ошкор эта олмайман», – деди жаноб Стивенс.*





Миллиардер Муҳаммад Ал-Файёд эса ҳамон Диананинг ўлимида Буюк Британия махсус хизмати ходимларининг қўли бор, деган фикрда.

Эсингизда бўлса, шаҳзода Чарльзнинг собиқ рафиқаси малика Диана 1997 йил 31 август куни Париждаги ер ости йўлида юз берган автоҳалокат чоғида ҳаётдан кўз юмган эди. Бу бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ ишни кўриб чиққан франциялик судья автоҳалокатга машинани маст ҳолатда бошқарган, меъёрдан юқори тезликда ҳайдаган Анри Полни айбдор деб топганди. 2004 йил январида Буюк Британияда ушбу ҳолат юзасидан расмий текширув бошланди. Бунга Диананинг ўлимидан бир неча кун олдин ёзиб қолдирган хати сабаб бўлди. Унда малика ўзига нисбатан шаҳзода Чарлз фитна уюштириши мумкинлигини баён этган эди.

Текшириш ишларига жаноб Стивенс раҳбар этиб тайинланди. У орадан бир йил ўтиб, Скотланд Ярд бошлиғи лавозимидан истеъфога чиққан бўлса ҳам, текширув ишларини давом эттиряпти.

# ОҚ АЙИҚНИНГ ХУНИ

Россиянинг Таймирдаги Диксон қўрғонида яшовчи бир кишига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, судга оширилди. У бешта оқ айиқни ўлдирганликда айбланаяпти. Бутунжаҳон ёввойи табиатни ҳимоя қилиш жамғармаси вакилининг айтишича, 2000 йилдан буён ҳали биророта бу тоифадаги иш судгача етиб бормаган эди. Браконьер айиқларнинг мўйнасини гаражига яшираётган пайти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олинган.

Ҳозирги вақтда Ер юзида жами 22-25 мингтача оқ айиқ сақланиб қолган. Уларнинг етти мингга яқини Россия Арктикасида яшайди. Бу жонивор Россиянинг ва Халқаро табиатни муҳофаза қилиш уюшмасининг Қизил китобига киритилган бўлиб, қатъий ҳимоя остига олинган. Шунга қарамай уни ноқонуний ов қилишга бутунлай чек қўйилгани йўқ. Биргина Россия ҳудудида браконьерлар ҳар йили 200-300 оқ айиқнинг бошига етишади.

# НАМОЙИШЧИ ЎҚУВЧИЛАР

Чилилик юқори синф ўқувчилари университетларга кириш имтиҳонлари топшириш ва мактаб транспортидан фойдаланиш учун пул тўлашга қарши чиқишди. Ушбу қонун мамлакатда Пиночет диктатураси ўрнатилган даврда қабул қилинган эди. Норозилик намойишига ярим миллиондан ошиқ ўқувчи чиқди. Уларни тарқатиб юбориш учун полициячилар кўздан ёш оқизувчи газ ва сув пуркагичлардан фойдаланишди.

# ДАЙДИ ЎҚ САБАБ

***Истамбулнинг шарқий қисмида жойлашган беш қаватли уйларнинг бирида портлаш юз берди. Полициянинг хабар қилишича, бинонинг биринчи қаватида тир жойлашган. Ўқ отиш машқи чоғида дайди ўқ юқори кучланишли электр кабелига теккан. Оқибатда қисқа туташув юз бериб, трансформатор портлаган. Бунинг натижасида ёнғин келиб чиққан.***

Ёнғин чоғида 14 киши жароҳатланди. Улардан икки нафари оғир аҳволда. Жабрланганларнинг аксари куйиш жароҳати олган. Воқеа жойига тезда ўт ўчирувчилар етиб келиб, офатни қисқа вақт ичида даф этишган.

Илгарироқ ёнғин газ чиқиши, буғ қозони портлаши туфайли келиб чиққан деган тахмин илгари сурилган эди.



# ДАЛЛАСДАГИ ВОҚЕА



**Бу воқеа Даллас аэропортида юз берди. «United Airlines» авиакомпаниясига қарашли самолёт олдинги шассиси чиқмаганлиги туфайли мазкур аэропортга қўнишга мажбур бўлди. Ҳаво лайнери бортида 56 нафар йўловчи ва тўрт экипаж аъзоси бор эди. Енгил жароҳатланган уч киши касалхонага ётқизилди. Авиакомпания раҳбарияти кутилмаган вазият сабабларини ўрганишга киришди.**

# «МИС ЧАВАНДОЗЛАР»

**Буюк Британияда бир ҳафта давомида иккита «мис чавандоз» ҳайкали ўғирланди. Уларнинг умумий баҳоси 45 минг фунт стерлинг (84 минг АҚШ доллари) миқдорида баҳоланмоқда. Тахминларга кўра, ўғрилар санъат асарларини металлолом сифатида сотиб юборишлари ҳам мумкин. Британия полицияси ушбу жиноятга 2005 йилда декабрида Генри Мур яратган 3 миллион фунтлик бронза ҳайкални ўғирлаган шахслар дахлдор деб ҳисобламоқда.**



**Христофор Колумбнинг кундалиги Лондонда кимошди савдосига қўйилди. Сайёҳ унда Гаити оролининг туб жой аҳолиси билан мулоқотини баён этган, дея ёзади «The Telegraph» газетаси.**

# ҚИММАТБАҲО МАКТУБ

Колумб мактуб шаклида расмийлаштирган ушбу ҳужжат 1493 йил 29 апрелида тузилган бўлиб, унинг дастлабки баҳоси 800 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Кундалик саёҳатнома саккиз бетдан иборат. У XV асрда 500 нусхада чоп этилган бўлиб, сиёсий аҳамиятга молик томони – Христофор Колумбнинг кашфиёти Испания флотининг устунлигини намойиш этиши лозим эди.

# ЖАРОҲАТЛАНГАНЛАР КЕТИ УЗИЛМАЯПТИ

Ява оролларидаги касалхоналар ҳамон жароҳатланганларга тўла. Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари кўрсатаётган ёрдамга қарамай зилзиладан жабр кўрганларга жой етишмаяпти, дея хабар қилади AFP.

Индонезия Ижтимоий масалалар вазирлигининг маълумотларига қараганда, ер силкиниши туфайли 6200 дан ортиқ киши қурбон бўлган, 46000 дан зиёд фуқаро жароҳатланган.

Дори-дармонлар етишмаяпти. Коммуникация тармоқлари ишдан чиққанлиги туфайли уларни фалокат юз берган жойга етказиб бериш қийинлашган. Жакарта аэропортидаги учиш-қўниш йўлаги ҳам зарар кўрган.

Ҳозирги вақтда ўнлаб мамлакатлар зилзиладан жабр кўрган ҳудудларга инсонпарварлик ёрдами, шифокорлар ва қутқарувчиларни юборишмоқда.



# «ТАМИЛ ЙЎЛБАРСЛАРИ»НИ АЙБЛАШМОҚДА

***Шри-Ланка ҳарбий қўмондонлиги Баттикалоа шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида 12 кишининг ўлдирилишида «Тамил Илама озодлиги йўлбарслари» ташкилоти жангариларининг қўли бор дея баёнот берди. Расмий вакиллар нега террорчилар айнан қурувчиларга ҳужум қилганлиги борасида ҳеч қандай изоҳ беришмаяпти.***

«Тамил Илама озодлиги йўлбарслари» гуруҳи айирмачилари мана 20 йилдан ошаяптики, мамлакатнинг этник тамиллар яшайдиган шимолий ва шарқий ҳудудларини Шри-Ланкадан ажратиб олиш учун курашишмоқда. Жангарилар партизанлик усулларидан фойдаланишяпти: қишлоқ жойлардаги ҳукумат қўшинларига, мамлакат пойтахти Коломбо шаҳрида амалдорлар, офицерлар ва сиёсатчиларга ҳужум қилишмоқда. Яқинда Европа Иттифоқи мазкур гуруҳни террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритди.

Агар жиноятчилар юқоридаги ҳунрезликни ўз бўйниларига олсалар, айирмачилар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида 2002 йилда Норвегия воситачилигида тузилган ярашиш битими бутунлай ўз кучини йўқотиши мумкин.

# «ФУТБОЛ туфайли дунёни танидим»

**Хизмат тақозоси билан республика ИИВ Марказий шифохонасига борганимизда кардиология бўлими шифокори Абдурашид Қўзибоев билан суҳбатлашиб қолдик. Унинг ўз касбини пухта билиши билан бирга ашаддий футбол ишқибози эканлиги, Жаҳон чемпионатлари, нуфузли турнирлар, учрашувлар ва футбол юлдузлари ҳақида кўплаб маълумотга эгалиги, ўз вақтида машҳур бўлган Котэ Махарадзе, Николай Озеров каби спорт шарҳловчиларининг репортажларини овозларига тақлид қилган ҳолда ёдга олиши ҳайратга солди. Бу эса шифокор билан футбол ҳақида суҳбатлашишимизга туртки бўлди.**



*— Абдурашид Абдуваҳобович, футболга илк бор қандай қизиқиб қолгансиз?*

— Мактабда ўқиётганимда физика ўқитувчимиз кўп ҳолларда дарсларни спортнинг ана шу тури билан боғлаб ўтарди. Устоз келтирган бир мисол сира ёдимдан чиқмайди. У 1971 йилги Европа чемпионатида собиқ иттифоқ ва Шимолий Ирландия ўртасида ўтказилган саралаш учрашувида Анатолий Бишовец тўпнинг йўналишини усталик билан ўзгартириб киритган голи механика қонунининг амалдаги ифодаси, деб тушунтирди. Шундан сўнг менда футболга қизиқиш уйғониб, ўйинларни томоша қиладиган бўлдим. Кейинроқ кўпгина машҳур физик ёки математиклар футбол ўйнашгани маълум бўлди. Нобель мукофоти соҳиби Фредерик Жюлио-Кюри бир пайтлар Франция ёшлар терма жамоасида тўп сурган экан. Яна бир Нобель мукофоти соҳиби Нильс Бор (дарвозабон) ва унинг укаси, машҳур математик Харальд Бор(ярим ҳимоячи) Дания терма жамоасида футбол бўйича Олимпиада ўйинларида қатнашиб, совринларни қўлга киритишганини билиб олдим.

*— Спортнинг бу тури миллионлар ўйини, деб эътироф этилади. У мухлисларга, хусусан сизга нима беради?*

— Футбол ҳақиқатдан ҳам биринчи рақамли спорт туридир. Шу боис, яқинлашиб келаётган XVIII Жаҳон чемпионатини миллиардлаб мухлислар интизорлик билан кутмоқдалар. Ер куррасининг барча жойларида, ҳатто тоғу саҳро, совуқ ўлкаларда ҳам болалар футбол ўйнашади. Айниқса, Англия, Италия, Бразилия, Испанияда футбол санъат тури сифатида эъзозланади. Мухлислар у орқали дунёни танимоқдалар. Шахсан менинг ҳаётимда ҳам шундай ўрин тутади. Айтайлик, футбол бўлмаганда, Камерун, Сенегал, Гана, Кот Д Ивуар, Тринидад ва Тобого мамлакатларига ҳозиргидек қизиқиб қолмас эдик. Футбол қироли Пеле «Футбол сабоқлари» номли асарини ёзганда Бразилиядаги кўплаб футболга ишқибоз болалар шу китобни ўқиш мақсадида савод чиқариш учун мактабларни тўлдириб юборишган. Пеленинг машҳурлиги туфайли Бразилияда маориф тизими янада ривожланган, десак муболаға бўлмас.

*— Айтинг-чи, касбингиз, умуман, ички ишлар ходимлари фаолияти билан футбол ўртасида маълум бир боғлиқлик борми?*

— Албатта. Футбол, аввало, саломатлик дегани. Ушбу спорт тури билан шуғулланган киши жисмонан бақувват, ҳаракатчан, иродали, руҳан тетик бўлади. Ҳар йили республика ички ишлар идораларида футбол бўйича генерал-майорлар Ғуломжон Зокиров, Ислом Сатторов, Комилжон Ғопуров хотира-турнирлари ташкил этилаётгани бежиз эмас. Мақсад футбол орқали ходимларни чиниқтириш, уларни маънан етук, жисмонан бақувват бўлишига эришиш ва шу орқали халқи, Ватани, қабул қилган қасамёдига содиқ қилиб тарбиялашдан иборатдир. Касбим билан боғлиқлигига келсак, шифокорлардан ҳам жаҳонга машҳур футболчилар етишиб чиққан. 1982, 1986 йиллардаги Жаҳон чемпионатлари қатнашчиси, Бразилия терма жамоаси сардори Сократес болалар шифокори, 1986 йилда «Реал» ва Мексика терма жамоаси таркибида тўп сурган Уго Санчес стоматолог эди. 1986 йилда Аргентина жамоасини чемпион қилган мураббий Карлос Билардо акушер-гинеколог бўлган.

*— Футболга оид талайгина маълумотлардан хабардор экансиз. Уларни асосан қаердан оласиз?*

— Ёшлигимдан футболга оид газета, журнал, китоб, буклет, нишон ва вимпелларни йиғиб бораман. Кўпгина газеталар таҳририятлари томонидан уюштирилган танловларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдим. Бўш пайтларимда шу соҳага тегишли сканворд, турли бошқотирмалар чизиш жони дилим. Ҳозирда интернет тармоғидаги футбол сайтларидан турли хил хабарлар олиб тураман.



*— Навбатдаги Жаҳон чемпионати ва унда иштирок этаётган жамоалар, футбол юлдузлари ҳақида қандай фикрдасиз?*

— Бразилия, Германия, Аргентина, Голландия, Англия, Италия, Украина терма жамоаларидан омадлилари кучли тўртликдан ўрин олиши мумкин. Айниқса, бразилияликларда чемпион бўлиш учун имконият катта. Жамоа ўтган йили ўтказилган Конфедерациялар кубогини қўлга киритган. Таркиб жиҳатдан жуда устун. Аргентина терма жамоаси асосан Европада тўп сураётган легионерлардан иборат. Лолалар юрти ҳисобланган Голландия, туманли Альбион – Англия терма жамоалари кейинги йилларда кучли ва бир текис ўйин кўрсатишмоқда. Скуадра Адзурра, яъни Мовий жамоа деб аталмиш Италия терма жамоаси ҳар бир чемпионатда ўзига хос қаҳрамонлик кўрсатиб келади. 2005 йил якуни бўйича Европада энг зўр футболчи деб топилган Андрей Шевченко етакчилигидаги Украина терма жамоаси ўзини кўрсатади, деб ўйлайман. Мазкур Жаҳон чемпионатида Рональдино дунёда биринчи рақамли футболчи эканлигини намоён этиши керак. Албатта Шевченко (Украина), Баллак (Германия), Криштиану Роналду (Португалия)лар ҳам ундан қолишмасликка ҳаракат қилишади. Афсуски Руни (Англия) олган жароҳати туфайли ўзини тўлиқ намоён этолмаслиги мумкин.

*— Аввалги Жаҳон чемпионатида Бразилия терма жамоаси бирор марта мағлубият аламини тотмай мислсиз кучли эканлигини намоён этди ва финалда ҳақли равишда немислар устидан ғалаба қозонди. Бу йил ҳам шу икки рақибга финалда учрашиш насиб этармикан?*

— Жаҳон чемпионати жадвалига эътибор берган бўлсангиз Бразилия ва Германия терма жамоалари финалгача учрашишмайди. Чунки уларнинг аввалроқ куч синашиши кучли бир жамоа чемпионатни эрта якунлашига олиб келиши мумкин. Қуръа ташлаш жараёнида ана шу жиҳат эътиборга олинган кўринади. Майдон эгалари – Германияга чемпионатда «деворлар», яъни 12-ўйинчи ҳисобланган ишқибозлар катта ёрдам бериши тайин. Бундан 32 йил олдин шу мамлакатда ўтказилган Жаҳон чемпионатида Германия ғолиб чиққанди. Бу галги мундиалнинг энг юқори поғонаси кимга насиб этишини ўйинлар кўрсатади.

*— Ҳар бир чемпионатнинг ўзига хос жиҳатлари, ёдда қоладиган лаҳзалари, жамоаларнинг маълум айёрликлари бўлади. Бу ҳақда нима дея оласиз?*

— Очиғи, бундай ҳолатлар тўғрисида кўп гапириш мумкин. Мен айримларига тўхталсам. 1986 йили Мексикада ўтказилган Жаҳон чемпионатини кўпроқ мухлислар томоша қилиши учун барча учрашувлар жазирама иссиқда бошланган. Ўшанда жаҳоннинг энг зўр футболчиси деб топилган Диего Марадона буни танқид қилиб чиққанди. 1986 йилда Камерун жамоаси ярим чорак финалгача етиб борган. Бу ўзига хос жасорат эди.

Чемпионатларда айрим айёрликлар ҳам учраб туради. 1974 йил 1-босқичдаги ГФР – ГДР терма жамоалари учрашувини олиб кўрайлик. Ўшанда ГФР терма жамоаси атайлаб рақибига ютқазиб қўйган. Бу билан футболчилар ўз миллатдошлари кейинги босқичга ўтишига ёрдам берган бўлишса, бошқа томондан Бразилия, Голландия, Аргентина билан кучли гуруҳга тушмаслик учун шундай қилишган. 1978 йил Аргентина–Перу учрашуви Бразилия-Польша баҳсидан 4 соат кейин бошланган. Аргентина жамоаси ўйин қандай тугаганига қараб Перуни ўзига керакли ҳисобда мағлуб этган. Шундан сўнг ўйин натижасидан манфаатдор рақиблар учрашуви бир пайтда ўтказиладиган бўлган.

*— Футбол фанатларини кузатиб борсангиз керак, албатта. Улар ҳақида қандай фикрдасиз?*

— Фанатлар учун футбол, таъбир жоиз бўлса, бутун борлиқлари ҳисобланади. Шу боис, севимли жамоалари билан ҳар қандай вазиятда, қувончу ташвишли кунларида бирга бўладилар. Фанатларни Бразилияда «торсида», Аргентинада «арчада», Италияда «тиффози», Англияда «фэн» дейишади. Стадионга ишқибозлар қанча кўп ташриф буюриб, жамоани қўллаб-қувватлаб турса, футболчиларнинг руҳи кўтарилиб, мақсадга эришиш шу даражада осон кечади. Масалан, Туркия терма жамоаси, шунингдек, Галатасарой жамоаси ўз яшил майдонларида муваффақиятга эришишларида ишқибозларнинг тутган ўрни катта бўлган.

*— Сиз фақат футбол ишқибозимисиз ёки ўзингиз ҳам тўп суриб турасизми?*

— Ёшлигимда, шунингдек, Тошкент Давлат тиббиёт институтида таълим олаётганимда факультет жамоаси сафида ўйнаганман. Ҳозир эса футбол ишқибозиман. Одатда футболни томоша қилиб, бир олам завқ оламан, руҳим енгиллашади.

*— Оила аъзоларингиз ҳам спортнинг бу турига қизиқишадими?*

— Хонадонимиздагиларнинг ҳаммаси футбол ишқибози. Мабодо кечқурун ишдан чарчаб келиб ухлаб қолсам ўйин бошланиши олдидан дарҳол уйғотишади. Яқинлашиб келаётган Жаҳон чемпионатини телевидение орқали бирга томоша қилиш ниятидамиз. Қизим Дурдона Англияга, Гўзал Португалияга, ўғлим Жавоҳир ва турмуш ўртоғим Украина терма жамоаларига мухлислик қилишади.

*— Кишининг битта ёки бир нечта хоббиси бўлиши мумкин. Футболдан бошқа яна қандай машғулотлар билан шуғулланишни хуш кўрасиз?*

— Мен ўз касбимни жуда севаман. Олий тоифадаги шифокорман. Футбол эса севган спортим, хоббим. Ундан ташқари адабиёт ва тарихга қизиқаман. Шоир Абдулла Ориповнинг шеърларини севиб ўқийман.

**Суҳбатдош: Саъдулла ШОДИЕВ.**

**Суратларда: А.Қўзибоев ва қизи Гўзал.**



## Aziz bolajonlar!

1 iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni barchangiz sovg'alar olib, istirohat bog'larida sayr qilib, a'lo kayfiyatda uyga qaytgansiz.

Ana shunday ko'tarinki kayfiyatingizni tushirmaslik maqsadida sizga yangidan-yangi topshiriqlarni tayyorladik.

## Kim qaysi kapalakni tutmoqchi?



## CHIZISHNI O'RGANAMIZ



Tuxum shaklidagi chizma yordamida sichqon, baliq va tovuq rasmlarini chizish mumkin. Yaxshilab urinsangiz, chiroyli rasm chizish qo'lingizdan kelishiga ishonch hosil qilasiz.

Haykaltarosh Qunduzvoy muzdan haykal yasashni xush ko'radi. Quyida siz Qunduzvoy qaysi muz parchasidan qanday jonivorning haykalini yasayotganini toping.








Agar siz uyingizda it boqsangiz, ushbu topshiriqni osongina bajarasiz. Ya'ni suratda berilgan narsalar orasidan kuchukcha uchun zarur bo'ladigan egulik va anjomlarni topish sizga beriladigan topshiriqdir.

Bir-biri bilan urushib qolgan olmaxonlar orasidan uchta to'g'ri chiziqni shunday tortingki, natijada ularning har biri alohida katakda bo'lsin.



Sahifani Erkin SATTOROV tayyorladi.




*5 июнь — Жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан бугунги саҳифамизда табиий, мутацион ва илмий жараёнлар таъсирида юз бераётган воқеалар ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик.*

## ҚУЁНМИСАН ҚУЁН!



Яқинда Берлин шаҳрида қуёнлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Вухань Руди лақабли узунқулоқ жонивор дунёда энг момиқ қуён деб тан олинди. Унинг вазни 8 килога яқин, бўйи эса орқа оёқларида тик турганида бир метр келади. Одатда асосан мўйнаси учун етиштириладиган қуёнларнинг вазни беш килограммдан ошмасди. Вухань Рудининг хўжайини Вагнернинг айтишича, бунда ҳеч қандай сир йўқ. Жониворга кўпроқ салат берган, холос. Аммо салат семиртирувчи егулик ҳисобланмайди. Қизиғи, қуён ҳамон семиришда давом этаяпти. Ёки гап мутациядамикан?..

## ПАКАНА СИГИРЛАР



Керале Қишлоқ хўжалиги университети (Ҳиндистон) генетика лабораторияси ходимлари пакана сигирлар зотини яратишди. Уларнинг бўйи 90 сантиметрдан ошмайди. Бу зот касалликларга чидамли бўлиб, кам емхашак ейди. Ҳар куни икки ярим литргача серёғ сут беради. Маълумки, ҳиндлар сигирларни муқаддас жонивор санашади.

Янги зотдаги сигирларни кўпайтиришга муваффақ бўлинди. Ҳозир уларнинг сони юз бошга яқинлашди.

## АҚЛИ ЕТАДИ

Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти ходимлари Томас Бреер бошчилигида Конгодаги Миллий боғда горилллаларни кузатишаётган эди. Улар Лиа лақабли она горилла нариги қирғоққа ўтиш олдидан калтак ёрдамида сув ҳавзасининг чуқурлигини ўлчаб кўрганига гувоҳ бўлишди. Сувнинг ўрталарига борганида у анҳорнинг чуқурлигини кўриб, болалари олдига қайтиб келди. Тадқиқотчилар илгари горилла сувнинг чуқурлигини аниқлаш учун ёрдамчи воситалардан фойдаланганлигини пайқашмаган эди.

Япониялик олимлар эса турли ҳудудларда яшовчи маймунлар турлича «шевалар»да мулоқот қилишларини аниқлашди. Киото университети қошидаги илмий-тадқиқот институти этнологлари турли хил макакиларнинг овозларини ўрганишди. Шунда Якушима оролида яшовчи макакининг овози марказий Японияда яшовчи маймуннинг товушидан баландроқ эканлиги маълум бўлди. Олимларнинг тахминича, оролда яшовчи жониворлар ўрмонда дарахтлар тигиз ўсганлиги учун ўзаро баланд овозда, қичқириб «гаплашиш»га мажбур бўлишади.



## ГЕРМАНИЯДА ТИШЛИ ЖЎЖА...

**Немис биологининг ғалати «ихтиро»си динозаврлар даврини эслатиши мумкин.**



Берлин институтларидан бирининг биологи, профессор Мэтью Харрис тишларидан айрилган қушларга нисбатан бўлган эволюцион шафқатсизликни бартараф этишни мақсад қилди.

Археологларнинг тасдиқлашича, бундан миллион йиллар аввал қушларнинг ҳам ҳайвонлар сингари кучли жағ тишлари бўлиб, ўлжасини тишлаб-тишлаб, чайнаб-чайнаб ҳазм қилган. Аммо даврлар ўтиб, қушларда тишга бўлган эҳтиёж йўқола борди. Эндиликда улар ошқозондаги емишни майдалаш учун майда тошчалар ва шиша синиқларини ютади.

Институт ходимлари жўжаларнинг икки ҳафталик эмбрионларини махсус модда билан қориштирдилар ва маълум вақт ўтгач, бир неча тишли жўжалар «етиштиришди». Жўжалар тишлашни биладимийўқми, номаълум, лекин Харриснинг айтишича, улар тишлари нима учун кераклигини дарров тушунишган ва егуликни бемалол чайнаб истеъмол қилишяпти.

«Агарда, — дейди Харрис, — кучли мутация таъсир қилмаса, осмонда худди динозаврлар даврида бўлганидек, жағли-тишли йиртқич қушлар пайдо бўлиши мумкин».

Аммо бундан кимга фойдаю кимга зиён, тушунтириб берадиган топилмади...

## МОСКВАДА ҚИЗИЛ БЎРИ...

**Россия пойтахтидаги ҳайвонот боғига ташриф буюрувчилар бу ноёб жониворни кўришга муваффақ бўлдилар.**

Қизил бўри — камёб ҳайвон бўлиб, жуда камчиликни ташкил қилади. Озодликда уларнинг кўпайиши жуда қийин. Москва ҳайвонот боғида ҳам бўриваччаларнинг туғилишини бир неча ўн йиллаб кутишга тўғри келди. Ниҳоят, узоқ кутилган қизил бўричалар 17 март куни дунёга келгач, мутахассисларнинг бир олам қувончига сабаб бўлишди.



Аввалига улар ички хоналарда, кўздан панада сақланди, бир оз жонланишгач эса вольерга қўйиб юборилди.

Ҳозир бўриларни кўриш унчалик ҳам осонмас, бунинг учун соатлаб кутишга тўғри келади. Чунки бўри болалари кўп вақтларини ичкарида — оналари олдида ўтказишни хуш кўришади.

## ...ХИТОЙДА ЭСА УЧ ҚЎЛЛИ БОЛА ТУҒИЛДИ

**Шифокорлар қайси қўл ортиқча эканлигини била олишмаяпти.**

Шанхай педиатрия маркази шифокорлари эндигина икки ойлик бўлган чақалоққа Жи Жи деб исм қўйишган (болакайнинг ҳақиқий исми яшириляпти). Жи Жининг битта ўнг ва иккита чап қўли бор. Унинг учала қўли ҳам яхши ишлайди.

Ортиқча аъзолар билан туғиладиган гўдаклар ҳаётда учраб туради — тахминан 10 минг болакайдан бири у ёки бу аъзоси ортиқ ҳолда туғилиши мумкин. Аммо марказнинг ортопедия бўлинмаси мудири Чен Бочангнинг сўзларига кўра, «жуда яхши ривожланган учинчи қўл билан туғилган бола ҳали учрамаганди». Шунинг учун ҳам шифокорлар қайси қўлни олиб ташлашни билмай бошлари қотган. Битта йўл бор, у ҳам бўлса, боланинг тилга кириш, шифокорларни тушуна олиш ёшига етишини кутиш керак. Қайси қўли кўпроқ оғришини, ишламай қолишини ёки букилмаслигини айтганидан сўнггина жарроҳликка киришиш мумкин бўлади.

«Иложсиз, — дейди Чен Бочанг, — Жи Жи яқин уч-тўрт йил давомида учала қўли билан яшашга мажбур».



ҲАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

# САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР



# ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ҲАҚИДА

**Овқатланиш инсон организми учун зарур бўлган ҳаётий эхтиёжлардан бири бўлиб, унинг ҳам ўзига хос тартиблари бор. Буни бир сўз билан овқатланиш маданияти дейилади.**

**Инсон истеъмол қиладиган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси маҳсулотларидан тайёрланадиган овқатлар таркибида организм учун зарур бўлган оқсил, карбонсув (углеводлар), ёғ, минераллар, дармондорилар ва бошқа бир қанча моддалар мавжуд. Уларнинг организмга етарли миқдорда тушмаслиги турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.**

Соғлом инсоннинг суткалик озуқа эҳтиёжи қуйидагича бўлиши керак: сув — 1750-2200 гр, оқсил — 400-500 гр, жумладан, ҳайвон оқсиллари — 50 гр, ёғлар — 80-100 гр, шу жумладан, ўсимлик ёғлари — 20-25 гр ҳамда минерал моддалар ва дармондорилар.

Овқатланишга бўлган эҳтиёж одамнинг ёшига қараб турлича бўлади.

Болалар ва ўсмирларнинг организми физиологик ўсиш ва ривожланиш босқичида бўлганлиги сабабли қувватли озуқа (4000-4500 ккал) талаб этади.

Ўрта ёшдаги (40-50 ёш) ва қариялар организми физиологик ўсишдан тўхтайди. Шунинг учун улар организмининг бир маромдаги кундалик фаолиятини таъминлаш учун керак бўлган тез ва осон ҳазм бўлувчи ўртача қувватли (3000-3200 ккал) озиқ-овқатлар (сутли, сабзавотли маҳсулотлар) истеъмол қилиши етарлидир.

Ҳаддан ташқари кўп ва юқори қувватли овқат истеъмол қилиш семиришга ва натижада у билан боғлиқ бўлган турли хил касалликларнинг (юракнинг ишемик касаллиги, қандли диабет ва бошқалар) келиб чиқишига сабаб бўлади.

Овқатланишни тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эгадир. Бинобарин, пала-партиш ва меъёрдан кўп овқат истеъмол қилиш ҳам саломатликка салбий таъсир этиб, ошқозон-ичак тизимида модда алмашинуви мувозанатининг бузилишига, кишини беҳузур бўлишига олиб келади.

Инсон овқатланиш учун яшаши эмас, балки яшаш учун овқатланиши керак, деймиз. Шу боис, овқатланиш маданиятига риоя этиш муҳимдир.

Дунё аҳолисининг кўпчилиги ошқозон-ичак касалликларига мубтало экан. Шу боис, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг асосли хулосаларига қараганда тиббий хизмат соғлиғимизнинг атиги 8-10 фоизини таъминлайди, 20 фоизи эса ирсий омилларга, яна 20 фоизи атроф-муҳитга ва 50 фоизидан кўпроғи турмуш тарзимизга, яъни бевосита ўзимизга боғлиқ экан. Шунингдек, турмуш тарзимизга боғлиқ бўлган соғлиғимизни 100 фоиз деб олсак, шундан 80 фоизи овқатланиш тартибига боғлиқ бўлади. Агар истеъмол қилаётган овқатимизда ёғ ва мойлар ортиқча бўлса, юрак ва қон-томир касалликларига; ун ва қанд маҳсулотларининг ортиқча бўлиши қандли диабет касаллиги, артритлар, қабзият ва саратон касалликларига; гўшт маҳсулотларининг кўпайиб кетиши буйрак касалликларига сабаб бўлиши мумкин. Минерал тузлар, микроэлементлар ва дармондориларнинг етишмаслиги эса модда алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ касалликларни келтириб чиқаради. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, овқатланишни тўғри ташкил этган кишилар шубҳасиз, соғлом ва узоқ умр кўрадилар.

Овқатланиш тартиби белгиланган тарзда ташкил этилиб, унга қатъиян риоя этилса, ошқозон ва ичакларнинг ҳаракатига, моддалар алмашинувига ижобий таъсир этади. Иштаҳанинг ўз вақтида очилишига олиб келади. Яна бир эътиборли томони ўзи ёқтирган одам билан овқатланиш, ёқимли мусиқа оҳангида тановул қилиш таомдаги фойдали элементларнинг ичакларда яхши хазм бўлишига олиб келади. Овқатланиш вақтида газета ва журналлар мутолаа қилиш ҳам зарарли эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Кун давомидаги овқатланишнинг меъёрини қуйидагича тақсимлаш мумкин: нонушта — 30 фоиз, тушлик — 50 фоиз, кечки овқат — 20 фоиз.

Иссиқ кунларда эса суткалик овқат меъёрининг эрталабки нонуштага — 40-50 фоиз, тушликка — 20-25 фоиз, ярим кунликка — 10 фоиз, кечки овқатга 20-25 фоиз истеъмол қилиш тўғри бўлади.

Айниқса, болалар ва ўсмирларнинг тўғри овқатланишига катта эътибор бериш лозим. Ҳаддан ташқари кўп ейилса, ошқозон деворлари мускуллари таранглашиб, ҳаракатлана олмайди. Оқибатда керакли озиқа моддалар парчаланиб, сўрилмайди, натижада инсон саломатлиги ёмонлашиши мумкин.

Озиқ-овқат турларини кўпайтириш жуда фойдалидир.

Нонуштанинг таомномасида иссиқ кунлари сут маҳсулотлари, турли хил мевалар, сабзавотлардан помидор, бодринг бўлиши ва соат саккизгача истеъмол қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Тушликдан олдин иштаҳани очиш учун салатлар истеъмол қилган маъқул. Агар тушлик чўзилиб кетса, нонуштадан кейин яна орада енгил нонушта қилиш керак.

Ярим кунликда дастурхонда компот, кисел бўлгани маъқул. Кечки овқатни эса ётишдан 2-3 соат олдин истеъмол қилиш лозим.

Вақти-вақти билан очлик билан олиб бориладиган даво муолажалари инсон саломатлигига катта фойда беришини тиббиёт олимлари кўп таъкидлайдилар. Шу маънода Ислом оламида йилда 1 ой муддатда рўза тутиш, яъни куннинг ёруғ қисмида овқат тановул қилмаслик фарз этилганда инсон саломатлиги ҳисобга олинган. Бунда организмнинг ҳар хил кераксиз моддалардан тозаланишига олиб келади, одамда мустаҳкам ирода, сабр-қаноат ҳосил қилади.

Шундай қилиб, соғлом бўлай десангиз, аввалambор, таомномангизнинг хилма-хиллигига, дармондориларга бойлигига, овқатланишнинг тўғри ташкил этилганлигига катта эътибор беришингиз, сизни ҳар хил касалликлардан асрашга таянч бўлади.

**Д. ТЎРАНАЗАРОВ,**
*республика ИИВ санитария эпидемиология назорати Бош маркази бошлиғи, полковник*

***Аллоҳ берган умрга қасд қилиш, яъни инсоннинг ҳаётига зомин бўлиш ҳуқуқи ҳеч бир бандасига берилмаган. Гарчи биров айбингни юзингга солса, хатоларингни ошкор этса-да, уни жисман йўқ қилиш оғир гуноҳ, жиноят саналади.***

# ЁЛЛАНМА ҚОТИЛ

## ёки уни кимлар ва нима мақсадда ёллашгани ҳақида

Хатирчи туманидаги Ибн Сино ширкат хўжалигининг собиқ раиси Баҳодир Қурбонов билан бош муҳандис Муҳитдин Шамсиев ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди... Раис бўлишни ким истамайди дейсиз? Юзлаб гектар ер, техника, мол-мулк, манфаат илинжида хизматингга ҳозиру нозир шотирлар. Хуллас, бундай мансабни эгаллаш учун жон куйдирса арзийди.

Баҳодир Қурбонов ширкат хўжалиги бошқаруви раислигини қўлга киритиш учун енг шимариб ишга киришди. Аммо унга тўсиқ бўладиган бир муаммо бор эди. Зеро, раис бўлиш учун аввало, олий маълумот керак, билим, тажриба ҳақида ўйламаса ҳам бўлади, буларни амаллаш мумкин. Муҳими, биттагина диплом бўлса бас. Астойдил йиғласа сўқир кўздан ёш чиқар, деганлари рост экан. У диплом муаммосини осонгина ҳал этди. Тошкент халқ хўжалиги институтида ўқимай туриб, 80 минг сўмга сохта диплом сотиб олди. Бундай имконга эга бўлиш учун талабалар неча ойу йилларни бедор ўтказиб, орзу қилиб, интилиб, имтиҳонлар топшириб эришишларини кўз олдига келтирган Б. Қурбонов қалбаки дипломига қараб, мийиғида кулиб қўйди. Бу ҳужжат унга қанча муддатга ярашиі, бошига не балолар ёғдириши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

Раислик лавозими учун тўлдирилган ҳужжатларда унинг маълумоти «олий» деб ёзилди. Шунда Б. Қурбоновнинг юзида яна мамнунлик барқ урди. Аммо у ҳаётда олий мартабага эришиш учун фақат диплом эмас, инсонга хос соф фикр-ўйлар, ҳалоллик, виждон деган туйғуга ҳам эга бўлиши, унга амал қилиши кераклигини унутди. Балки ўшанда шу ҳақда эслатган кишининг устидан ошкора кулармиди? Чунки Баҳодир Қурбонов ҳар доим қинғирликка тайёр эди. Бир марта қонунга чап берган киши вақтида эс-ҳушини йиғмаса унда кеч бўлади. Ҳақман, деган шайтоний алдов миясига маҳкам ўрнашиб олади-ю, кўзига ҳеч нарса кўринмайди. У Муҳитдин Шамсиевни қасддан ўлдириш учун ҳайдовчиси Обиджон Ҳамидовга ёлланма қотил топиш ҳақида оғиз очгунича ва ушбу жиноятни содир қилишда иштирокчи, ташкилотчиликда айблангунча аллақачон жиноят кўчасига кирган, бу борадаги дастлабки «довон»дан ошган эди.

«Судланувчи Қурбонов Баҳодир Эргашевич ўзининг жиноий қилмишини давом эттириб, Хатирчидаги «Агросавдо» фирмасида (1994-2001 йиллар) бошлиқ бўлиб ишлаб, мансабдор шахс бўлиб, 1996 йилда Тожикистон Республикаси Исфара шаҳрида яшовчи Х. Зикрияевга «Агросавдо» фирмаси орқали 30 тонна майиз маҳсулоти жўнатиб, ундан «ГАЗ-31029» русумли кулранг автомашинани фирма бош ҳисобчиси Қаршибой Нормуродов номига расмийлаштириб, Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиб, декларациясиз божхона чегарасидан ўтказиб, шу кунга қадар божхона расмийлаштирувини амалга оширмасдан, давлат бюджетига 8.510.713 сўм зарар етказиш жиноятини содир қилади...» ( Суд ҳукмидан).

Сохта диплом, қонунсиз машина олиш, мансабга эришиш - булар бари бошланиши эди. Атиги бир йилу тўрт ой раислик курсисига ўтирган Баҳодир Қурбоновнинг жиноий қилмишларини ўрганар экансиз, беихтиёр шаҳар бедарвозами, деган киноя эсга тушади. Ҳукмда: «Б. Қурбонов ўзининг жиноий қилмишларини давом эттириб...» деган жумла шунчалик кўп учрайдики, тўғриси, бир кишининг қисқа муддатда шу қадар жиноятга муккасидан кетгани, бўғзигача ботганига ишонмайсан, киши. Босган ҳар бир эгри қадами, ножўя ҳаракатлари ҳақида бошқалардан эшитган, айниқса, собиқ бош муҳандис Муҳитдин Шамсиевнинг юқори идораларга шикоят ёзганидан ранжиган Баҳодир Қурбонов тегишли хулоса чиқармади, ўзини ҳақ деб билди. М. Шамсиевга нисбатан юрагида адоват пайдо бўлди...

У қисқагина раислик фаолияти даврида ҳеч кимдан тап тортмай хўжалик мулкига тажовуз бошлади. Раис хўжаликни истаганча бошқариш, ўзлаштириш мумкин, эпланса бўлди, деган ақидага таяниб, ер сотиш, пора олишга ружу қўйди. Пахта экилган майдонларни буздириб, уй-жой, қўшимча томорқа учун тарқатди. Хўжаликнинг 8-бригадасида яшовчи 52 нафар фуқарога ток экиш учун 7,5 гектар ер ажратди ва ҳар бир сотих ерни минг сўмдан баҳолади, 750 минг сўм пора олиб, мулкий наф кўрди. Пахта ерларини қисқартириб, режадан ташқари 665 гектар ерга полиз ва сабзавот маҳсулотлари эктириб, хоҳлаган кишисига ноқонуний равишда бериб юборди. Оқибатда ширкат хўжалиги манфаатларига 1.906.200 сўм зарар етказди.

15,73 гектар ерни турли ташкилот, фирма ва фуқароларга бор барака деб «ҳадя» қилди.

Б. Қурбонов ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиб ва суиистеъмол қилиб, ширкат хўжалиги балансида бўлган, нархи 2.325.730 сўмлик дала шийпонини баҳолаш ҳақидаги тегишли қўлланмага асосланмай туриб фуқаро А. Қандахоровга 650 минг сўмга сотилишига сабабчи бўлди ва хўжалик манфаатларига 1.675.730 сўм зарар етказди.

Бундай ҳотамтойлик нима учун, ниманинг эвазига, деган ҳақли савол туғилади. Илгарироқ хўжаликнинг молхонаси ва чўчқахонасини сотиб олган Сафар Худойбердиевнинг хўжаликдан каттагина қарзи бор эди. Қарзни узишнинг чораси топилди. Б. Қурбонов бунинг антиқа йўлига рози бўлди. С. Худойбердиев 6.350 кг, бозор нархи 762 минг сўмлик буғдойни ширкат хўжалигига топширганлиги тўғрисидаги қалбаки юк хатига кирим қилинди, деб имзо чекилди. Ва унинг ширкат хўжалиги олдидаги қарзи шу билан қопланганлиги кўрсатилди...

Булар ҳаммасими, йўқ. Б.Қурбоновнинг жиноий қилмишларини бирма-бир санаш ва уни сабр билан ўқишга балки газетхоннинг тоқати етмас. Нима ҳам дердик, унинг жиноий қилмишларини санашдан тийилиб, қотиллик содир қилишда иштирокчи, яъни ташкилотчилиги хусусида тўхталсак. Ўз маслаги, феълатворига мос кишилар бирлари билан тез тил топишишади. 2003 йил ноябрь ойи бошларида Ибн Сино ширкат хўжалиги раиси Баҳодир Қурбонов билан унинг собиқ ҳайдовчиси ўртасида қисқагина суҳбат-келишув бўлиб ўтди.

— Обиджон, - дея унга юрагини очди Баҳодир Қурбонов, - Муҳитдин ёза-ёза ниятига етди, раисликдан кетдим, устимдан жиноий иш қўзғатилди, энди ҳам қараб тураверамизми? Хўш, сен нима дейсан?

Собиқ раиснинг нияти Обиджонга маълум эди. Анчадан буён у Муҳитдин Шамсиевдан ўч олиш пайида юрарди. Аслида Шамсиев билан муроса қилса, келишса бўларди-ю, аммо хўжайиннинг бунга ғурури йўл бермади, мансабига ишонди. Ҳамёнига, таниш-билишларига орқа қилиб сира ён босишни истамади. Ёзсанг ёзавер, пулларим омон бўлса, сени ким ҳам эшитарди, деб Шамсиевнинг юзига ошкора айтган, ортидан кулган пайтлари ҳам бўлди. Аммо бу гал Муҳитдин Шамсиевнинг қалами пулдан зўрроқ чиқди. Раис ўзаро келишиб, пинҳона амалга оширган кирдикорларининг бирини яширса, бошқасини беркитолмади. Суриштирув бошланди. Кўп ўтмай ўзига ишонган, мағрур «тоғ» - раис қулади...

Собиқ ва содиқ ҳайдовчи Обиджон Ҳамидов бироз ўй суриб, шундай хулосага келди: хўжайиннинг Шамсиевга бўлган алами опса ошибдики, асло пасаймабди. Қасд олишга астойдил киришганга ўхшайди.

— Нега индамайсан, қўрқаяпсанми?

Қурбонов ўзига тикилиб, жавоб кутиб турганидан ҳижолат бўлиб:

— Йўғ-е, сиз нима десангиз шу-да, хизматга тайёрман, хўжайин, - деди Обиджон.

— Унда гап бундай, Муҳитдинни йўқ қилиш лозим, - деди раис муддаога кўчиб. - Бу ишни уддасидан чиқадиган киши керак. Уни рози қилиш мени таним. Сенга эса нақд икки миллион сўм бераман...

Раиснинг аҳди қатъийлигини сезган Обиджон хурсандлигини сездирмай:

— Менга пул эмас, машинани берасиз, «Волга»га ўрганиб қолганман, сизнинг шарофатиз билан уловлик бўлсак бўлибмизда! - деди. Баҳодир Қурбонов шуни кутиб тургандек:

— Қўлни чўз! - деди қатъий. Обиджон шу тобда таклифига рози бўлган кишидан раис ҳеч нимани аямаслигини биларди. У хўжайиннинг кўзига синчков тикилиб, қўлини дадил узатди.

— Келишдик, - деди Қурбонов иккиланишга ҳожат қолдирмай, - кутган хабарни эшитганим заҳоти машинанинг ҳужжатлари қўлингда бўлади...

Обиджон Ҳамидов нимага қўл ураётганини яхши биларди. Шу кунгача қай бир қинғирликни бошламасин, барини қойиллатиб бажарган хўжайин бугун унинг ёрдамига муҳтож бўлиб, ниятини ошкор этгани ўзига нисбатан ишончни бир поғона оширди. Ахир бундай сирни ҳаммага ҳам ишонмайди-да, киши.



Қурбонов шу кунгача раис эди, энди эса ҳеч ким, унинг ёрдамига кўз тикиб, сўраганини беришга шай бўлиб турибди. Яна нима керак унга? Аслида-ку хўжайиннинг ундан бирор бир ортиқ жойи йўқ. Сохта диплом билан раисликка ўтгани, эпчиллиги, пулнинг ҳиди келиб турган барча ишга бўридек ташланишини айтмаганда, икковлари ҳам тенг. Ўртадаги фарқ фақат ёшда. Кеча хўжайиннинг омади чопган бўлса, бугун омад у томонда...

Киши ўзи ҳақида жиддийроқ ўйласа бошқаларни ҳам англаши осон кечади. Обиджон Ҳамидов айни дамда ҳақ эди. Собиқ раис билан ўрталаридаги фарқ чиндан ҳам йўқ ҳисоби. Илгари Баҳодир Қурбонов Навоий вилоят судининг ҳукми билан 4 йилу 2 ой озодликдан маҳрум қилинган, Амнистияга биноан жазо ярмига қисқартирилган ва 1999 йил 30 апрелдаги Амнистияга кўра жазодан озод қилинган бўлса, Обиджон Ҳамидовга Хатирчи туман судининг 2003 йил 24 мартдаги ҳукми билан 2 йилу 11 ой ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган, Амнистияга асосан жазодан озод қилинганди.

Айбдор киши қай тарзда, қандай шароитда ўзини ўнглаб, хатоларига чек қўяди? Бунга аниқ тавсия бериш қийин-у, агар Обиджон ўз ҳаётини тўғри изга солиш, яхши томонга ўзгартиришни астойдил истаганида, юқоридаги муҳлат етарли эди. Афсуски, бундан тегишли хулоса чиқармади.

Шундай қилиб у жиноят содир қилишга мойил кишини излашга тушди. О. Ҳамидов тўғри Бакир Шамилов (Навоий педогогика институтининг 2 босқич талабаси)никига борди. Хатирчининг Янгирабод шаҳрида яшайдиган бу йигит жисмонан бақувват бўлиб, бирор жойда ишламасди. Унга пул зарурлигини Обид яхши биларди. Бакир Обиджон Ҳамидовнинг таклифига рози бўлди. Шериги - уюшган гуруҳ раҳбари Валишер Омоновнинг розилигини билмай туриб, буюртма билан қизиқди. Нима қилиш кераклигини англагач:

- Ҳақини келишсак, бугуноқ бошлайверамиз, - деди совуққонлик билан. Ажабланарлиси шундаки, у одам ўлдиришга эмас, худди тўйга бориб келишга шартлашаётган киракаш каби ўзини жуда хотиржам тутди.

— Раис сўзида турадиганлардан, ҳақидан қочмайди, - деди Обиджон қатъий.

— Унда шеригим иккимизга юз мингдан берасан.

Бакирдан бу қадар арзон нархни кутмаган Обиджон аввалига ҳайрон бўлиб қолди, аммо ажаблanганини сездирмади. У мўлжални тўғри олган, бунақалар арзимаган пулни деб нафақат Шамсиевни йўқ қилиш, балки оламга ўт қўйишдан ҳам тоймайди.

**Облоқул АЗИМОВ,**
*Навоий вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари.*

**Ражаббой РАУПОВ,**
*журналист.*

*(Давоми бор)*

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Поп тумани ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, катта лейтенант

**Неъматжон РАҲИМОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби тергов бошқармаси терговчиси, капитан У. Юсуповга отаси

**Султонхон ЮСУПОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби 8-сонли тергов ҳибсхонаси бошлиғининг ўринбосари, майор

**Машрабали ЖЎРАЕВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН.



*Кўнглимда кўнгилли ҳисларим кўпдир,*
*Гоҳо ўт бўладир, гоҳида чўғдир.*
*Сиру синоатни билмоқлик учун,*
*Оламда «Постда»дан яхшиси йўқдир.*

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат учун телефонлар: 139-73-88 139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



# «Ая, аяжон, тўхтанг!»

*(Воқеий ҳикоя)*

Фарҳод бозори томон кетар эканман, «Ая, аяжон, тўхтанг!» дея ортимдан югуриб келаётган тўрт ёшлар чамасидаги қизчага кўзим тушган бўлса-да, даставвал парво қилмадим. Орамизда икки қадамча масофа қолганда, беихтиёр ортимга ўгирилиб, кўзойнагимни олиб унга тикилдим. Шунда мен томон талпинаётган қизалоқ таққа тўхтади... Қоп-қора кўзларидан оқаётган ёшлари лўппи юзига думаларди. У кўзларимга тикилган кўйи ўрнида қотиб турарди. Кўзларида ҳайратми, соғинчми зоҳир эди. У худди дунёдаги энг азиз, керакли нарсасини ҳозир топиб олган-у, шу заҳотиёқ яна йўқотиб қўйган одамдай бир аҳволда эди.

Мен ундан кўзларимни узолмай ноқулай ҳолатда қолгандим. Шу пайт Меҳрибонлик уйи дарвозасидан бир аёл чиқиб, биз томонга кела бошлади.

– Кел, оппоғим, кел ўзимга, – дея аёл қизчани даст кўтариб, бағрига босиб олди. Аёлнинг кўзларидаги нам мени янада ҳушёррок торттирди. Аёлнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олган қизчанинг юзида беихтиёр барқ урган табассум бутун дунёни яшнатиб юборгандек туюлди менга. Ўзининг ҳаракатларини эътибор билан кузатаётганимни кўрган аёл:

– Синглим, ҳайрон бўлгандирсиз. Сизни онасига ўхшатган, шекилли. Эҳ, қандай аёл, қандай она экан-а жигарбандини ташлаб кетадиганлар. Фарзандининг уволидан қўрқмайдими? Кўзлари кўр бўлади бир куни, – деди аёл қизалоқнинг бошини силаб. Кейин гапида давом этди:

– Ташлаб кетганига уч ой бўлди. Ҳар куни шу аҳвол, кўчадан онасига ўхшаб кетадиган аёлми, қизми ўтиб қолса «Аяжон, тўхтанг, аяжон!» деб юрак-бағримизни эзади. Иложсиз қолганларни-ку, тушуниш мумкин. У сатанг бўлса боласини ташлаб чет элга кетган дейишади.

Мен ҳеч нима дея олмасдим. Негадир тилимга лоақал бир сўз ҳам келмасди. Аёлнинг кўксига юзини қўйиб турган қизчанинг бошини силаб қўйгим келди. Шунда қизалоқнинг ёшига ярашмаган ғамгин, синиққан нигоҳини кўриб бутун вужудимни қалтироқ босди. У шу даражада мунғайиб қолгандики, тасвирлаб бериш қийин...

Шундан сўнг мен бу меҳрибонлик уйига тез-тез бориб турадиган бўлдим. Қизалоқнинг исми Чарос экан. Унинг ёнига ҳар гал борганимда қизалоққа ширинликлар, ўйинчоқлар совға қилардим. Анча вақт уни ўйнатиб, сўзлашиб ўтирардим. Кейин уй юмушлари, давлат имтиҳонлари билан бўлиб, унинг олдига анча вақт боролмадим. Диплом ишимни ҳимоя қилган кунимнинг эртасига меҳрибонлик уйига бордим. Аммо негадир у йўқ эди. Меҳрибонлик уйи раҳбарининг олдига кирдим. У яқинда бир бефарзанд оила Чаросни фарзандликка олганини айтди. Мен унга ўрганиб қолган эканман, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Ўйлаб кўриб яна хурсанд бўлдим. Чунки энди унинг ота-онаси, оиласи бор эди...

Аммо ҳар гал Меҳрибонлик уйи ёнидан ўтганимда Чароснинг ортимдан югургани, мени кутиб ўтиришлари кўз олдимга келаверади...

**Умида БОЛЛИЕВА.**

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# АМАЛИЁТ УЧУН ЗАРУР ҚЎЛЛАНМАЛАР



Бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимларининг ўз фаолиятлари учун зарур ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларни билишлари ва уларга амал қилишлари замон талабидир. Ҳар бир ходимнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб, осойишталик посбонлари ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Ана шу мақсадда яқинда вазирликнинг Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан иккита услубий қўлланма тайёрланди.

Улардан бири ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари учун мўлжалланган. Унда раҳбар ходимларга мамлакатимиз Конституцияси, амалдаги қонунлар, Президентимизнинг нутқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ИИВ фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқадиган услубий тавсиялар берилган. Ушбу тавсиялар жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда ёрдам бериши шубҳасиз.

Иккинчи услубий қўлланма эса ички ишлар идоралари шаҳар-туман ИИБ бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари учун мўлжалланган. Ундаги тавсиялар ходимларни ўқитиш, тарбиялаш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги ишларни тўғри, самарали ташкил этишга қаратилгандир. Ундан ички ишлар бўлимларида фаолият кўрсатувчи фахрийлар кенгаши, Хотин-қизлар кенгаши каби қатор жамоат ташкилотларидан тарбиявий жараёнда фойдаланиш бўйича қимматли маслаҳатлар ўрин олган. Шунингдек, қўлланмада шахсий таркиб билан ишлаш жараёнида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар рўйхати ҳам илова қилинган.

Ҳар иккала услубий қўлланма ҳам ички ишлар идоралари фаолиятини, хусусан, шахсий таркиб ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларни янада яхшилашга хизмат қилади, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим манбалар ҳисобланади. Улардан тегишли халқаро меъёрий ҳужжатлар ҳам ўрин олган.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

# ТАФАККУР ЗИЁСИ

*Шундай яшагилки жисми покингдан,*
*Қайта яратсинлар сени хокингдан.*
***
*Қуруқ бўлма, кўм-кўк шохдек бўл дилкаш,*
*Ҳўлни бил, ҳеч маҳал олмас ўт-оташ.*
***
*Тожга ҳам, тахтга ҳам ҳеч бўлма муҳтож,*
*Ерни тахт билгилу осмонни тож.*
***
*Бўлмаганда эди қаро тун бенур,*
*Чироқ этолмасди ўз нурин зуҳур.*
***
*Бу эски оламда айлагил бунёд,*
*Бир нарсаки халқинг этсин сени ёд.*
***
*Улуғлик шарафин истаган одам,*
*Кичикларга айлар ҳиммату карам.*
***
*Аслида шундайдир гумбази жаҳон,*
*Қайтарар ҳар нима деганинг замон.*
***
*Таъмадин доимо бўлғай юзинг зард,*
*Фақат пешона тер қилғай сени мард.*
***
*Хасис хазинага етишса ногоҳ,*
*Хирсидан йўлини йўқотар гумроҳ.*
***
*Мулки олам ичра беғам бўлсанг бас,*
*Олам ғамин егил, мулк ғамин эмас.*
***
*Ҳаётда қолдирса ким абадий ном,*
*Энг бахтли одам шу хулласи калом.*

**Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.**

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!

Телефон: (371) 139-73-88



*Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:*

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Sa'dulla Shodiyev
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev, Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51 E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2464. Bosilish - ofset usulida. Hajmi – 6 bosma taboq. 56016 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Ⓝ- Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.